Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 108 (5699).
13 МАЙ 1985 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



КПСС XXVII съездини муносиб совғалар билан кутиб олайлик

ЎН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ҲИСОБИГА

Яқинда Тошкент тўқимачилик комбинати мастер ёрдамчиси Вячеслав Скопинцевни ҳамкасб дўстлари янги меҳнат ғалабаси билан табриклашди, у саккиз йиллик топшириқни бажарди.

Илғор ишчининг номи комбинат коллективида яхши маълум. У ўзининг меҳнатдаги ютуқлари билан ҳамкасб дўстларини янги зафарларга чорлаётган машъал ишчилар сарасига киради.

Вячеслав Иванович 2-тўқув фабрикасининг 2-цехида биринчилардан бўлиб янги техникага хизмат кўрсатиш зонасини 60 та автоматга (соҳа нормаси 32 та) етказди. Мокисиз станокларни яхшилаб созлаш тўқувчилар Ш. Муҳаммаджонова ва С. Камоловага ишлаб чиқариш нормасини 110—115 процент бажариш, барча маҳсулотнинг 99,6 процентини биринчи сортда тайёрлаш имконини бермоқда.

Беш йиллик бошидан бери В. Скопинцев хизмат кўрсатган станоклардан 4,3 миллион метр хом сурп олинди. Ускуналар яхши ишлаётганлиги туфайли участка тўқувчилари меҳнат графигидан ўзиб ишлашяпти. С. Камолова ҳозир олти йиллик маррасидан ўтиб кетди.

Вячеслав Иванович ҳамиша вақт ажратиб тўқувчиларга ёрдамга келади. Улар билан газлама сифатини назорат қилади, бракнинг олдини олади. Донгдор мастер ёрдамчиси 1 Майни, Ғалабанинг 40 йиллигини, стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини янги меҳнат ютуқлари билан кутиб олиш учун бошланган мусобақанинг ташаббускорларидан бўлди.



ТАШАББУСКОРЛАР

В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ўлчов асбоблари цехининг созловчилар бригадири Василий Филимонович Доброскок катта механизациялашган хўжаликни бошқаради. Унинг ихтиёридаги турли маркадаги дастгоҳлар ва автоматлар ҳамиша соз бўлиши, сифатли маҳсулот бериши лозим. Бригада аъзоларининг бутун диққат-эътибори ана шу мақсадга қаратилган.

Меҳнат ветерани В. Доброскок бошчилигидаги пешқадам коллектив Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган зарбдор меҳнат вахтаси давомида чкаловчиларнинг қимматли ташаббусини қўллаб-қувватлаб, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Александр Матросовни бригаданинг фахрий аъзоси қилиб сайлади, унинг учун смена топшириқларини адо этиб, ишлаб топилган маблағни Тинчлик фондига ўтказди.

Пешқадам бригадир жамоатчилик ишларига ҳам катта эътибор беради. У цех комитетининг аъзоси, меҳнат тортишувлари бўйича касаба союз комиссиясига бошчилик қилади. Илғор ишчи, моҳир етакчининг портрети бир неча марта завод Ҳурмат тахтасига қўйилган.

СУРАТДА: созловчилар бригадасининг етакчиси В. Доброскок.

А. КАШАПОВ.
Автор фотоси.

ВАҚТДАН ЎЗИБ

Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасига қарашли 159-трестнинг 61-қурилиш бошқармасида меҳнат қилаётган Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Ринат Гайнуллин бошлиқ монтажчилар бригадаси ўн биринчи беш йиллик планини муваффақиятли адо этди. Пландаги 1 миллион 445 минг сўмлик ўрнига 2 миллион 690 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Бригаданинг вақтдан ўзиб ишлаётганлиги бежиз эмас. Чунки коллективда жуда кўплаб ўз касбининг усталари меҳнат қилишади. Маҳоратини тинмай ошириш, турдош касбларни пухта эгаллаш, қўлга киритилган ютуқлар билан чегараланмай, олға интилиш бригада аъзоларига хос характердир.

БУЮРТМА БАЖАРИЛДИ

Тошкентдаги «Компрессор» заводида тайёрланган машиналар мамлакатимиздаги ва бизнинг республикага жўнатилди.

Завод коллективи шу кунларда катта кўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқда. Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига ва КПСС XXVII съездига бағишланган социалистик мусобақанинг авж олмоқда. орасида Куба, Болгария, Монголия, Сурия мамлакатларининг номлари бор. Бу йил биринчи марта компрессорларнинг бир туркуми Гвинея республикасига жўнатилди.

ТЕАТР ВА КОЛХОЗ ҲАМКОРЛИГИ

Республика «Ёш гвардия» театри коллективи қишлоқ меҳнаткашлари билан ҳам яқин алоқа боғлаган. Бундай маданий ҳамкорлик Тошкент областининг Пскент райони билан айниқса яхши йўлга қўйилган.

Санъатқорлар райондаги Тельман номли колхозни ўз оталиқларига олганликларига ўн йил бўлди. Театр билан хўжалик ўртасида дастлабки ўзаро шартнома имзоланган тантанали кечада санъат даргоҳи репертуаридан мустаҳкам ўрин олган энг яхши спектакллардан айрим саҳналар кўрсатилган эди. Анъанавий шартномаларга биноан кейинчалик хўжалик дала шийпонларида «Отасининг қизи», «Ёшлар, бу ёш-лар» каби ўндан ортиқ спектакль намойиш қилинди.

Театр билан колхоз ўртасидаги яна оталиқ шартномаси тузилди. Унда санъаткорлар ва колхозчилар ҳамкорлигига доир қатор маданий тадбирлар ўз ифодасини топди. Санъат даргоҳи Пскент районидаги Ленин номли колхоз билан ҳам бундай шартномани имзолади.

А. АЛИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Тошкент метрополитенининг янги участкаси қурилишида эришган муваффақиятлари ва у муддатидан илгари фойдаланишга топширилганлиги учун «Ташметрострой» трести 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг проходкачиси Давид Готлибович Вигель, шу трест механизациялаш бошқармасининг кран машинисти Николай Фёдорович Головатов, «Транссигналстрой» трести 820-қурилиш-монтаж поезднинг бошлиғи Абдулгамид Бодавович Дадаев, «Ташсантехгазмонтаж» трести 1-монтаж бошқармасининг бошлиғи Станислав Владимирович Иванов, В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитени бошлиғининг ўринбосари Владимир Иванович Инкин, «Узэлектромонтаж» трести Тошкент 1-монтаж бошқармаси электр монтажчиларининг бригадири Садирхон Иноғомжонович Набижонов, 2-тоннель отряди-нинг проходкачиси Михаил Иванович Орлов, 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг проходкачиси Александр Петрович Сахаров, 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи Геннадий Яковлевич Штерн, «Ташметрострой» трести 3-қурилиш-монтаж бошқармасининг проходкачиси Пётр Иванович Якименко ўртоқларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор» фахрий унвони берди.

«Ташметрострой» трести ва республика бошқа қурилиш ташкилотлари ходимларидан катта бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

«Еттилар ташаббуси» иштирокчилари йўқламаси

ИШЧИНИНГ ЮКСАК ДОВОНИ

● «МАЛИКА» ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ТЎҚУВЧИСИ МАШКУРА ҚОДИРОВА ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИ ВА ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ ОБЛАСТЬ МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛДИ. ● У РЕКОРД ҚЎЙДИ. БЕШ ЙИЛЛИК БОШИДАН БЕРИ ЎЗ СТАНОКЛАРИДАН 141 ТОННА ГАЗЛАМА ОЛДИ. ● БУГУНГИ КУНДА УНИНГ КАЛЕНДАРИДА 1992 ЙИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Тажрибали тўқувчи — «еттилар ташаббуси» иштирокчиларидан бири М. Қодирова Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги арафасида бир қарашда чиқиб бўлмайдиган чўққини эгаллади: илгари қабул қилган социалистик мажбуриятларини — ўн йиллик нормани адо этди. Бу тармоқ рекордидир. Иш вақтини бу қадар зичлаштиришга, меҳнатни интенсивлашга нима ёрдам берди? М. Қодирова янги беш йилликка қадам қўйганида ўз устозлари Раиса Маткаримова, Шоира Ҳолмуҳамедова ва ишлаб чиқаришнинг бошқа новаторлари тажрибасига таянib, «Кокетт — У2» ва «Кокетт — У4» тўқув машиналарига хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтиришни сўради. Дастлаб у бешта, сўнгра олтита агрегатга хизмат кўрсатиб, одатдаги типовой «зичлик»ни уч баравар оширди.

Бундай зонани трикотаж билан таъминлаш машиналар планировкасини қайта қуришни талаб этди. Зонага хизмат кўрсатишнинг ўз маршрути, меҳнат методлари, такомиллаштирилган усуллари пайдо бўлди. Агрегатларни ўзи заправка қилишни ўрганди. Бунда норматив вақт уч баравар камайди.

... Бошқа станоклар эса бу пайтда ишлайди, тўқийди, уларни ҳам кузатиб бориш, нуқсонли газлама чиқишига йўл қўймаслик керак.

У ўқувчилик пайтидаёқ тўқувчиликка қизиқарди. Кунлардан бир кун корхонага келиб, машиналар газлама тўқиётганини кўриб, ўрни шу ерда эканлигини англади. У шундай қарор билан уйига қайтди.

— Сен эндигина саккизинчи синфни битиргансанку. Ҳали ўқишинг керак,— деб эътироз билдиришди уйидагилар.

— Ҳам ишлаб, ҳам ўқийман.

— Ундай бўлса ўзинг биласан.

Корхона кадрлар бўлимида уни ишга олишмади, цех бошлиғи Р. Ғуломов ҳам «Ҳали ёшсан, қизим...» деди.

Машкура аҳдидан қайтмади. Цехга келаверди, тажрибали ишчилар ва мастерлардан ёрдам беришни илтимос қилди. Шундай қилиб, мақсадига эришди.

Мураббийларининг сўзларини жон қулоғи билан эшитарди. Ишда бир смена эмас, икки смена ишлашга ҳам тайёр эди. Мана шу иштиёқ ва интилиш ўз самарасини берди.

Бир ой ўтгач Машкурага машинани ишониб топширишди. Кейин у иккита, учта машинани бошқарадиган бўлди. Шунда ҳам мураббий Раиса Маткаримова ҳамиша унинг ишларини кузатиб, маслаҳатлар бериб турди. Тажрибали тўқувчи шогирди эски иш усулларини ўрганишдан ташқари, ўзи ҳам янгилик ижод қилишга интилаётганлигини кўрди.

Раиса Маткаримова ўшанда «Малика»да биринчилардан бўлиб Ш. Ҳолмуҳамедова ташаббусига қўшилди. Тўртта машинани ўз қарамоғига олиб, икки беш йиллик топшириғини бажаришга ваъда берди. Шогирдини мусобақага чақирди. Шундай қилиб, Машкура типовой зонадан юқори зичликда ишлаб, тез вақт ичида Раиса опани қувиб ўтди. Меҳнатдаги мана шу муваффақияти учун «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотланди. Корхона илғорлари Шоира Ҳолмуҳамедова, Раиса Маткаримова, Тамара Молева, Луиза Фарзалина, Любовь Енговатова каби ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажаришга ваъда берган меҳнат илғорларидан илғор иш усулларини ўрганишни давом эттирди.

Ўн биринчи беш йиллик бошланганда Машкура яхши тажрибага эга бўлган ишчи эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига қадар ўн йиллик топшириқни бажаришни мақсад қилиб қўйди ва ўз ваъдасига вафо қилди.

...Олти станок. Уларнинг ҳар бирида 4620 ацетат ва капроацетат ипи бўлиб, улар бир-бири билан ўрилиб, оппоқ полотно бўла боради. Битаси узилса, чизиқ ҳосил бўлади ва маҳсулот брак қилинади. Тўқувчи смена мобайнида бир минут ҳам ўтирмай, машиналар орасида мокидек бориб-келади.

Машкуранинг кўпгина жамоат топшириқлари бор — у Октябрь район партия комитети, корхона парткоми аъзоси, уч чақириқ халқ депутатлари район Советининг депутати. Тез-тез мактабларда, ёшлар ҳузурида бўлиб, ўз касб-кори ҳақида гапириб беради. Бу анча вақтни талаб этади. Баъзан бу ишлар иш сменасига тўғри келиб қолади. Бундай ҳолда тўқувчи ўз сменчиси Надя Ибатбекова билан смена алмашиш устида келишиб олади. Ҳамкасби бундай пайтда қаршилик қилмайди.

...Ҳозир улар янги тўқув корпусида меҳнат қилишяпти. Бу корпус бирлашма реконструкциясининг биринчи навбатида, ишлаб чиқаришнинг замонавий талаблари асосида қурилган.

Машкура хизмат қиладиган машиналар тепасига «Ҳар бир иш соати юксак самарали бўлсин!» деган сўзлар ёзилган плакат илиб қўйилибди. Илғор ишчи бу шиорга қатъий амал қилган ҳолда ишлаяпти. У меҳнатни ташкил этиш методлари, илғор иш усулларини цехдаги барча ишчиларга ўргатишга ҳаракат қилади. Бирлашмада Машкура Қодирова тажрибасини ўрганиш мактаби ташкил этилган. Унда ҳозиргининг ўзида ўнлаб тўқувчилар малака оширишди.

Машкура меҳнат суръатини ошириш, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш орқали юксак самарадорликка эришишга интилади. Шунинг учун ҳам у КПСС Марказий Комитетининг март (1985 йил) Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини чин дилдан қўллаб-қувватлади. Коммунист М. Қодирова партия йиғилишида сўзлаб, шундай таклиф айтди: тўқув машиналари тўла қувватда ишласин, машиналарни смена тугамасдан 15—30 минут аввал тўхтатиб қўйишга чек қўйиш лозим. Дарвоқе, кўпчилик тайёрланган маҳсулотни барвақт топшириш учун шундай қиларди. Коммунистлар ушбу таклифни қўллаб-қувватлашди.

Бунинг самараси зўр бўлди — цех сменада қўшимча 40 — 45 килограмм газлама ишлаб чиқара бошлади. Бу қўшимча 150—200 буюм демакдир.

Машкура газлама сифати ҳақида алоҳида қайғуради. Бунга уни ишни фақат яхши бажариш истаги ундайди. Норматив қоида бўйича 17 процент маҳсулот брак бўлиши мумкин. Қодировада бу тўққиз процентгача камайди.

...Яқинда матбуотда Машкура Қодировага Ленин комсомоли мукофоти ва Тошкент областининг Охунбобоев номли мукофоти берилганлиги ҳақидаги хабар босилди. «...Кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, унинг сифатини яхшилашга, таннархини арзонлаштиришга шахсан катта ҳисса қўшганлиги учун». ВЛКСМ Марказий Комитети қароридаги бу сўзлар «Малика»даги мусобақа пешқадамларидан бири — Машкура Қодированинг катта меҳнатига берилган юксак баҳодир.

Бугунги кунда корхона цехларида 280 га яқин киши типовой зонадан юқори зичликда ишлаяпти. Шундан 228 нафари тўқувчидир. Беш йиллик зарбдорларининг ёрқин мисоли ва бой тажрибаси меҳнатда юксак чўққиларни қўлга киритишда ишчиларга машъал бўлиб хизмат қилаяпти.

«Тошкент оқшоми» коллектив мухбири — «Красная знамя» газетаси редакцияси.

ТЕХНИКА ЯНГИЛИГИ

РОБОТ ЁРДАМГА КЕЛДИ

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Урта Осиё газ илмий текшириш институтининг ходимлари В. Клеветов ва А. Шин ихтиро этган янги робот техникаси намойиш этилмоқда. Кўпчиликка маълумки, газ конларида фақат суюқ ёқилғи эмас, балки газ конденсатлари —турли қаттиқ элементлар мавжуддир. Газ конденсатларни эса қувур четига, деворларига ёпишиб қоладн. Бундай жараён узлуксиз давом этиши натижасида қувур тешиги умуман бекилиш даражасига боради. Ана шундай вақтда қувурни ердан тортиб олиш ва тозалаш керак. Бундай машаққатли юмушни бажаришда янги робот жуда қўл келади. Қувур ичидан ўтаётган газ босимининг камайиши билан автомат ишга тушади. Катта босим остида пуфланган қувур деворларни газ конденсатларидан тозаланади. Натижада камайган газ босими яна ўз ҳолига қайтади.

Шунисн диққатга сазоворки, янги автомат газ конидан олинаётган ёқилғи ҳисобига ишлайди. Робот техниканинг биттасини ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида йилига юз минг сўм иқтисодий самара олинади. Бу янгилик ҳозирги кунда Муборек газ қазиш ишлаб чиқариш бирлашмасида жорий этилди. Автоматнинг биринчи нусхаларн Андгрендаги «Ўзбекгазмаш» тажриба механика заводида ишлаб чиқара бошланди.

Қ. ЭРДОНОВ.

● Маданият хабари

УСТОЗ ШОИР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон ССР халқ шоири, Республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Уйғунниng асарлари ўзбек китобхонларн қалбида мана, бир неча йиллардан бери яшаб келмоқда. Унинг шеърларн асосида яратилган дилбар қўшиқлар руҳларга ором бағишламоқда. Уйғун кеюдн Улуғ Октябрь социалистик революцияси знёсндан бахраманд бўлиб, озод Ватанимиз, меҳнаткаш халқимиз тимсолида янада кенг мазмун касб этди. Унинг драматик асарлари бўйича тайёрланган спектакллар ҳам республика театрларн саҳнасндан тушмай келаётир.

В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университети Маданият саройида бўлиб ўтган тантанали йиғилиш таниқли ўзбек шоирининг 80 йиллигига бағишланди. Унда шоирнинг кўп сонли мухлисларн, студентлар, дорилфунуннинг ўқитувчилар коллективи иштирок этишди.

Йиғилишни Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати, профессор Озод Шарафиддинов кириш сўзи билан очди. Филология фанларн доктори, профессор Умрали Норматов шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятн тўғрисида доклад қилди. Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиларн Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Туроб Тўла таниқли шоир ижодининг ижтимоий аҳамиятн ҳақида гапирдилар. Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреатлари Эркин Воҳидов, Абдулла Орнповлар Уйғун шеърнятининг ҳозирги замон ўзбек поэзиясн тараққиётига кўрсатган таъсири, шунингдек устоз шоир ҳақидаги дил сўзларини изҳор этишди. Учрашув бу ерда йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

ЁШ СКРИПКАЧИЛАР ИЖРОСИДА

Композитор Ефим Шварцнинг номи республикамиз болаларига яхши таниш. У яратган қўшиқ ва музикаларнинг аксарнятида бахтиёр болалик тараннум этилади. Шунингдек, у республика кўғирчоқ театрида саҳналаштирилган спектакларга ёқимли музикалар ёзди.

Тошкентдаги ёш томошабинлар театри репертуаридан ўрин олган «Аркадий Камаинн» деган спектакль музикаси ҳам жозибадор чиқди. Бу спектакль Москвадаги Космонавтлар шаҳарчаси — «Звездний»да ҳам намойиш этилди.

Болаларнинг севимли композитори яқинда «Оқшом куйлари» номли сюитани ёзиб тугатган эди. Бу асар Успенский номидаги республика музика мактаб-интернати скрипкачилар ансамбли концерт программасига киритилди.

УРУШЛАРСИЗ ДУНЁ УЧУН

Жаҳон жамоатчилиги, дунёдаги кўпгина мамлакатларнинг соғлом фикрловчи снёсний арбоблари Буюк Ғалабанинг қирқ йиллигн халқлар ва давлатларнинг халқаро вазиятни соғломлаштириш, тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги умумий куч-ғайратларига янги омил бахш этсин, деб Москвадан жарангламоқда даъватга муносиб баҳо бердилар. Совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб Москвада бўлиб ўтган тантанали тадбирлар, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачёвнинг «Совет халқининг ўлмас жасорати» деган доклади ва у Кремлнинг Съездлар саройидаги қабул маросимида сўзлаган нутқ, иккинчи жаҳон урушн тугаганлигининг 40 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «Барча мамлакатлар халқларига, парламентларига ва ҳукуматларига» Мурожаатномаси тўғрисида билдирилаётган кўпдан кўп фикр-мулоҳазалар шундан далолат бермоқда.

ГДР газеталари Москвадан олинган хабарларни «Фашизм устидан қозонилган ғалаба инсониятга тинчлик ва тараққиётнинг янги йўлларини очиб берди», «Совет халқининг ғалабаси социализм енгилмас эканлигини исботлади», «Совет Иттифоқи қаҳрамонларини муносиб эъзозламоқда», «Тинчлик йўлидаги ғалаба» сарлавҳалари остида босиб чиқарди. «Нойес Дойчланд» газетаси уқтириб ўтганидек, гитлерчилар фашизми устидан қозонилган ғалаба инсоният тарихидаги энг катта воқеалардан бири бўлиб, у дунё қиёфасини жуда ўзгартириб юборди. Улуғ Совет Иттифоқининг ва гитлерчиларга қарши коалициядаги бошқа давлатларнинг Ғалабаси халқларни ваҳшийликка маҳкумликдан ҳалос этди, уларга энг яхши тинчлик ва бахтиёр келажак йўлини очиб берди. Шу туфайли кўпгина мамлакатларнинг озодлик йўлидаги қурашчилари инсоният ўрта аср даврларидан буён мисли кўрмаган энг мудҳиш реакцияга матонат билан мардонавор қаршилик кўрсатиб кўзлаган мақсадларига эришдилар. «Энди нацизмга йўл қўймайлик, энди урушга йўл қўймайлик!» — бу ғалаба куни айтилган қасамёд эди.

Совет Иттифоқи халқлар ва давлатларни, уларнинг парламентлари ва ҳукуматларини космосда қуролланиш пойгасининг олдини олиш ва ерда шундай пойгани тўхтатиш учун, ядро қуролини чеклаш, қисқартириш, сўнгра эса батамом тугатиш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилишга даъват этмоқда, деб хабар қилди Югославиянинг ТАНЮГ агентлиги. Москва Яқин Шарқдаги, Марказий Америкадаги, Жанубий-Шарқий Осиёдаги ва бошқа регионлардаги аҳволни тинч воситалар билан бартараф этишни, давлатлар ўртасидаги кескинлик манбаларн ва можароларни уларнинг ички ишларига аралашмасдан тугатишни ҳам ёқлаб чиқди.

Кубанинг **Пренса Латина** агентлиги М. С. Горбачёв докладини шарҳлаб, совет раҳбарининг АҚШни танқид қилиб айтган гаплари одилона эканлигини қайд этиб ўтди. Шу мамлакат ҳукмрон юқори доираларининг агрессив муддаолари халқаро хавфсизлик негизи бўлмиш ҳарбий-стратегик мувозанатни қўпориш юзасидаги уринишларда, қуролланиш пойгасини авж олдиришда, космосни ҳарбийлаштиришдан иборат хатарли режаларда намоён бўлмоқда.

Америка жамоатчилиги Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан СССРдаги тантаналарга жуда қизиқиб қарамоқда. «Совет халоскор жангчиси дунёни фашизм вабосидан қутқаришгина қолмай, шу билан бирга одамларда эртанги кунга ишонч туғдирди, цивилизациянинг келажагини ҳимоя қилиб қолди», — деди Сан-Францискода таниқли тарихчи **Оскар Хед**. Гитлерчилар Германиясининг тор-мор этилганлиги жаҳоншумул тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлиб қолди. Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги — бутун инсониятнинг байрамидир.

(ТАСС).

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда

Тошкент грампластинкалар заводининг полиграфия участкасида янги печать машиналарини монтаж қилиш тугалланди. Уларнинг ёрдамида куйловчи ликопчаларга ранг-баранг этикеткалар тайёрлаб берилади.

●

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг астрономия институти ходимлари илмий маскан филиалида янги телетайп ўрнатдилар. У Киев шаҳридаги Бош астрономик обсерватория билан узлуксиз бевосита боғланган. Ўзбек олимлари украин ҳамкасблари билан Галлей кометасини кузатиш борасида маълумотларни ҳар куни айрибошлаш юзасидан шартнома тузишган. Маълумки, Кавказ тоғларидаги махсус астрофизика обсерваторнясида мураккаб фотоприёмниклар ёрдамисиз ана шу кометанинг сурати биринчи марта олинган эди. Ҳозирда комета Юпитер сайёраси орбитаси атрофида юрибди. Апрель ойи бошларида у Қуёш орқасига яшириниган эди, яқин орада эса уни яна кузатиш мумкин бўлади.

●

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида «Ўзбекистон корхоналарида бригада пудратини тадбиқ этиш» кўчма кўргазмаси очилди. Унинг экспонатлари энг яхши корхоналар, илғор коллективларнинг бригада пудрати борасида олиб бораётган иш тажрибаси ҳақида ҳикоя қилади. Бугунги кунда республикада 29 мингдан зиёд бундай бригада самарали ишлаб турибди.

●

Амалий санъат экспериментальн-ижодий комбинатида махсус гипсли қолиплар ёрдамида механик қолиплаш методи билан керамика чойнак ва пиёлаларни ишлаб чиқариш бошланди. Бу усул маҳсулотни тез ва сифатли тайёрлаш имконини беради. Термага чойнак, олти дона пиёла ва паднусча киради. Бу идишлар ўзининг бежиримлиги, манзарали безакдорлиги билан ажралиб туради.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 10 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 2—4, эртага кундузи 18—20 даража иссиқ бўлади.

• КОММУНИСТНИНГ ШАХСИЙ НАМУНАСИ

ОЛДИНГИ САФДА

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-цехи тикувчиси Дилфуза Раҳимова ҳақида илиқ гапларни айтишди. У меҳнатда интизомли бўлибгина қолмай, бошқаларни ҳам тартиб-интизомга чақиради, ўзига ҳам, бошқаларга ҳам талабчан. Бугина эмас, унинг меҳрибонлиги, ташкилотчилиги ва ташаббускорлигини ҳам коммунист ва комсомоллар алоҳида тилга олдилар. Дилфуза 1978 йилда пойтахтимизнинг Октябрь районидаги А. Навоий номли мактабни муваффақиятли тугатиб, ҳеч иккиланмай ҳужжатларини 5-шаҳар ҳунар-техника билим юртига топширди. Билим юртида тикувчилик сирларини кунт билан ўрганди. Унга йўлланмани бирлашмага беришди.

1980 йилнинг сентябрь ойи. Д. Раҳимова 2-тикув цехида устозлари Наталья Владимировна Хрустинова ва Маърифат опа Алимоваларнинг маҳоратларини ўрганди, уларга эргашди. Абжир ва уддабуро қиз тез орада костюм тикишнинг барча жараёнларини пухта эгаллаб олди.

Йиллар ўтди. Энди Дилфуза эл оғзига тушди. У ҳақда илгари фақатгина цехда гапиришса, энди бирлашмада ҳам унинг меҳнатсеварлиги, камтарлигини тилга оладиган бўлдилар. Бундай ҳурмат-иззатдан Дилфуза эсанкирамади, балки янада кунт ва сабот билан ишлади. У бундан ҳам унумлироқ ишлашга, вазифаларни муддатидан илгари бажаришга, вақтдан ўзиб ишлашга, энг қийин топшириқларни бажаришга интилди.

1983 йил актив жамоатчи қиз Дилфузанинг ҳаётида бутун умрга муҳрланиб қолади. Бутун бирлашма тикувчилари унга катта ишонч билдириб, шонли КПСС сафига қабул қилдилар. Энди у бу юксак ишончга яраша зарбдор меҳнат ва ташаббускорлик кўрсатиши керак эди. У шундай қилди ҳам. Унумлироқ меҳнат қилиш, ташаббуслар билан чиқиш ҳақида ўйларди. Тинмай изланди.

КПСС XXVII съезди ва стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига у биринчилар қаторида қўшилиб, шу кунларда вақтдан ўзиб ишламоқда.

Унинг ҳамкасблари — тикувчилар, КПСС аъзолари Марғуба Исмоилова, Аниса Баратова, Галина Исакова, Марҳамат Утегенова, Озода Усмоновалар ҳам кунлик ва ойлик нормаларини 1,5—2 ҳиссадан бажармоқдалар, вақтдан ўзиб меҳнат қилмоқдалар.

Моҳир тикувчи кўплаб шогирдлар тайёрламоқда. Унинг шогирдларидан — ВЛКСМ аъзолари Иноят Обидова, Муҳаббат Аҳмедова, Ақида Юсупова, Мунира Мирраимовалар устозлари билан ёнма-ён туриб меҳнат қилмоқдалар. Улар кунлик ва ойлик план топшириқларини 110—120 процентга етказиб бажармоқдалар. Дилфуза жамоат ишларини ҳам аъло даражада бажаради.

Меҳнат — ҳурматнинг тожи, дейди доно халқимиз. Ҳа, Дилфуза буни яхши билади, бунга амал қилмоқда ҳам.

— Ёшлигимдан мени меҳнатни севишга ўргатишди,— дейди Д. Раҳимова биз билан суҳбатда, — бизда ҳалол меҳнат қилган ҳеч кам бўлмайди. Шон-шуҳрат, обрў топади. Мурод-мақсадига етади. Мен буни корхонамиз мисолида кўриб турибман.

Меҳнатсевар тикувчининг меҳнат фаолияти муносиб тақдирланган. Унинг кўксини «Коммунистик меҳнат зарбдори», «Мусобақа аълочиси», «Социалистик мусобақа ғолиби» нишонлари безаб турибди. У бир неча марта бирлашманинг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.

Мана, смена ҳам тугади. Бирлашмадан икки юзи қип-қизил, баланд бўйли, тўлагина жувон шахдам қадамлар билан чиқиб келмоқда. Унинг юзларида табассум. Чеҳрасидан бугунги меҳнатдан мамнунлиги сезилиб турибди. Дилфузани ҳовлида учратган смена катта мастери Анна Васильевна Алматова шундай деди:

— Бизнинг коллективга келганида Дилфуза ёшгина қизча эди. Интизомли, тартибли, меҳнатсевар тикувчиларимиздан эди. Тезда жараёнларни ҳам уддалади. Ишбилармонлиги учун ҳамкасблари ўртасида ҳурматга сазовор бўлди.

Қани, унинг устози, бригада бошлиғи Маърифат Алимованинг фикрини эшитайлик-чи:

— Дилфуза менинг энг яхши шогирдларимдан. Виждонан ишлайди. Одоби, камтарлиги, ширинсуханлигини айтмайсизми! Актив жамоатчи, интизомли. Ҳамма дугоналари унга ҳавас қилади, ўрнак олишга ҳаракат қилади. Киройи шогирдларинг ҳаммаси шундай бўлса-да...

Ҳ. ИНОҒОМОВ,
ишчи мухбир.

Тошкентлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари

«БАТАРЕЯ, ОЛҒА!»

Шундай буйруқ билан капитан Солиҳ Умаров Рейхстагга ҳужум қилган



Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган, Сиз ва биз билан бирга яшаётган камтарин инсон Солиҳ Ҳусанович Умаров ҳақида бу сафар ёзишга тўғри келди. Ўшанда гап асосан ҳаёт-мамот ҳақида борар эди. Капитан Солиҳ Умаровни барча қисмларнинг вакиллари, қўмондонлик батарея командири сифатида танишар эди. Ўша шиддатли йилларда унинг айтадиган битта гапи бор эди: «Батарея, олға!». Бу ўзига хос ҳарбий буйруқни мамлакатимизнинг жанубий чегараларидан бошлаб, Рейхстагга ҳужум вақтида ҳам айтган.

«Батарея, олға!» — бундай буйруқни биринчи марта 1942 йилнинг февраль ойида Белогое станцияси учун бўлган жанг пайтида айтган. Ўшанда у взвод командири эди. Станция учун бўлган жанг пайтида батарея командири Баришев ҳалок бўлди. I-Белоруссия фронтининг 47-армиясига қарашли 76-Ельня, Варшава ўқчи дивизияси 80-артиллерия полкининг батарея командири С. Умаров ўзининг айтган гапига, буйруғининг жавобига биринчи марта масъул бўлди. Кичик лейтенант олдида фашистларнинг олдинги маррадаги дзот ва дотларини йўқ қилиш вазифаси турар эди.

— Ўт очинг! Бу буйруқлар ниҳоятда таъсирчан янгради. Душманнинг учта дзот, иккита доти йўқ қилинди. Ҳарбий қўмондонликнинг ўзбек командирига бўлган ишончи ошди. Шундан кейин С. Умаровга батарея командири сифатида жуда кўп жанговар топшириқлар берилди.

— Тўғрисини айтганда, воқеаларни хотирага келтиришни ёмон кўраман. Бу ҳақиқий жаҳаннамнинг ўзи эди. Эсласам ҳамон уйқим қочиб кетади. Бир нарса овунтиради: қирғинни, одамларни қул қилишни фашистлар бошлашган эди. Ғазотга — ғазот билан жавоб беришга мажбур бўлдик. Жойи келганда биз ҳам алам олдик, — дея эслайди С. Умаров.

Унинг ҳар бир гапида маъно бор, воқеалар бор. Уруш уни солдат қилиб қўйган экан, талаби ҳам жанговар ҳолатдан келиб чиқди. Эслаш оғир, лекин тўкилган қон учун, берилган қурбон учун эслаш лозим бўлиб қолади. Бу батарея командирининг тили билан айтганда ниҳоятда оғир, кулфатли. Лекин қилинган хизмат ҳаққи, бошдан кечирилган азоб-уқубатлар ҳаққи эсга олишга тўғри келади...

Яқинда собиқ батарея командири С. Умаров ўша вақтдаги дивизия штабининг бошлиғи, ҳозир Горький шаҳрида истиқомат қилаётган Георгий Николаевич Короткихдан хат олди. Унда шундай сўзлар битилган эди:

«Ҳурматли ҳаётимнинг посбони, жигаргўшам С. Умаров. Яшаётганим учун, фарзандларимни катта қилаётганим учун сендан қарздорман. Сен ҳақиқий халоскоримсан...»

С. Умаров урушнинг охирги дақиқасига қадар воқеаларнинг марказида бўлган, фашистлар сўнгги имконларини ишга солиб, ўзларининг мудҳиш Рейхстагини ҳимоя қилаётганда ҳам у: «Батарея, олға!» деб буйруқ берган.

—1945 йил 2 май куни фашистларнинг таслим бўлганлиги ҳақидаги хабарни олдик,— дея эслайди С. Умаров. — Бироқ, фашистлар мудҳиш план тузишган эди. Улар бор мавжудотни, корхона ва ташкилотларни вайрон қилиш, Совет Армияси қўшинларига мумкин қадар кўпроқ талафот етказишга аҳд қилган эдилар. Жаҳаннам ёқасида турган ёвузлар қариялар, болалар, гўдакларни ҳам қириб ташлашни ҳисобга олган эдилар. Шундай вазиятда мен 132-дивизияга ёрдам бериш ҳақида буйруқ олдим.

Ҳа, ўшанда батареяга ниҳоятда қийин бўлди. Душман катта куч билан ҳужум қилди. Батарея командирининг буйруғи билан ҳар юз метр масофага биттадан тўп ўрнатилди. Етти киши ўрнига расчётлар состави уч киши қилиб белгиланди. Шахсан батарея командирининг кўрсатмасига кўра душманларнинг эллик метр масофагача келишини кутиб туриш топширилди. Шундан кейин олишув бошланди. Душманларнинг ҳадди-ҳисоби йўқдек эди. Улар 3 май куни тонготарида мўри малахдек ҳужумга ўтишди, орадаги масофа жуда оз қолгандагина ўт очилди. Ҳужум бир неча марта такрорланди, лекин батарея ўз маррасидан чекинмади.

Ватан урушининг тарихида қуйидаги сўзлар ёзиб қолдирилган: шу куни С. Умаров командирлик қилган батарея душманнинг тўрт минг кишилик армиясига қарши турган. Унинг составида бор-йўғи 63 киши бор эди, холос. Шу состав фашистларнинг ўн бир марта ҳужумини қайтарди. Уларнинг битта «Тигр» танки, тўртта бронетранспортёри ва асосий кучлари яксон қилинди. Полк топширилган вазифани уддалади. Кўп ўтмай СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан батарея командири Солиҳ Ҳусанович Умаров Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирланди.

Солиҳ Умаровнинг кўксида яна иккита иккинчи даражали Ватан уруши ордени порлаб туради. Унинг биринчиси 1943 йилда уруш тақдири ҳал қилинаётган пайтда берилган. Душман ўшанда Ельня шаҳрига катта куч кўплаб Москвага қайта ҳужум қилиш режасини тузаётган эди. С. Умаров батареяси душманга тўғридан ўт очиш тактикасини танлади, натижа ёмон бўлмади. Бир куннинг ўзида фашистларнинг уч танки, иккита пулемётдан ўқ отиш нуқтаси яксон қилинди. Батарея командири тактик билимдонлиги, ҳозиржавоблиги ва жасурлиги учун КПСС сафига қабул қилинди. Орден билан мукофотланди. Иккинчи ордени эса Минск шаҳрини фашистлар зулмидан озод қилишда кўрсатган жасоратлари учун берилган.

М. ОТАХОНОВ.

ФАҚАТ АЪЛО СИФАТДА

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 02-цехи коллективи экспортга маҳсулот жўнатиш бўйича биринчи квартал топшириғини муддатидан 15 кун илгари бажариб, чет эллик буюртмачиларга 158 километр гиофизик кабеллар юборган эди. Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни 1 Май байрами ва совет халқи немис-фашист босқинчилари устидан қозонган Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига меҳнат туҳфалари тайёрлаш учун интилган коллектив чет эллик буюртмачиларга маҳсулот етказиб бериш бўйича тўрт ойлик топшириқни ҳам муддатидан аввал бажарди. Шундай қилиб чет элга жами жўнатилган кабель маҳсулоти 215 километрдан ошиб кетди.

Цех коллективи ҳозир ўз маҳсулотларини жаҳоннинг 18 мамлакатига юборяпти. Бу маҳсулотларнинг ҳаммаси аъло сифатда бўлиб, давлат Сифат белгиси бор. Цехнинг илғор опрессовкачилари А. Холопов, Н. Гребенников, бронировкачи В. Лаврентьев, технолог В. Лагугина каби меҳнат илғорлари чет эллик буюртмачиларга аталган маҳсулотлар тез ва соз тайёрланишига ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан муносиб улуш қўшиб келишяпти.

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотлари тобора катта довруғ қозоняпти. Ҳозир корхона фақат йилнинг дастлабки уч ойининг ўзида жаҳоннинг 21 мамлакатига маҳсулот юборди. Тошкент кабелчиларининг доимий мижозлари орасида Венгрия, ГДР, Польша ва бошқа мамлакатлар бор. Бу муваффақият бирлашма коллективи маҳсулот сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича кенг миқёсда амалга ошираётган ишлар натижасидир.

Ҳозир бирлашманинг илғор 02-цехи коллективи экспорт бўйича иккинчи квартал топшириғини муддатидан аввал бажариш учун курашяпти.





Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида 16 минг студент таълим олмоқда. Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги бир қатор ривожланаётган мамлакатлардан келган талабалар билим чўққиларини эгаллашаётир. Ўқув-тарбия ишлари намунали ташкил этилганлиги учун институт коллективи ўтган йил якунларига кўра СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасининг биринчи даражали дипломи билан тақдирланди.

СУРАТЛАРДА: 1. Ўқув залида; 2. Ленин стипендианти, 5-курс студенти Эътибор Матназарова.

ЎзТАГ фотохроникаси.

• Фан ва техника изланишлари, кашфиётлари

САМО ПОРТРЕТЛАРИ ҚАНДАЙ «АРТИЛАДИ?»

Лазер ва электрон ҳисоб техникаси оптик телескоплар ёрдамида олинган юлдуз ва планеталар фото тасвирларидаги «тасодифий чизиқларни ўчиришда» харьковлик олимларга кўмак берди.

Лабораторияда Орион туманлигининг икки фотосурати кўрсатилди. Бу суратларнинг биттаси хирароқ бўлса, иккинчисида олис космик объектнинг ҳатто тафсилотлари ҳам яхши кўриниб турарди.

Ер атмосферасининг бир жинсли эмаслиги ва аппаратларининг хатоликлари сабабли одатда астрономик фотосуратларнинг кўпдан-кўп қусурлари бўлади ва улардан мумкин қадар кўпроқ илмий информация олишга халақит беради, —дейди иш авторларидан бири, Украина ССР Фанлар академияси радио-физика ва электроника институти лабораториясининг мудири Ю. Корниенко. — Харьков университетидаги ҳамкасбларимиз ёрдами билан шундай суратларни электрон воситада «артиш» усулини топдик. Махсус тайёрланган лазер одатдаги негативни частота тилига ўтказади, сўнгра шу суратни алоҳида фильтрдан ўтказади. Натижада ҳақиқий тасвир устида доғлар, қоронғиликлар, чизиқлар пайдо бўлади. Ҳисобдон машина эса фотосуратга айрим нуқталарнинг ёрқинлигига қараб баҳо беради. У нур тарқалиш оптик қонуниятлари асосида бояги ортиқча тўсиқларни олиб ташлайди ва тасвирни аниқ-равшан қилади.

Марснинг шу метод билан ишлов берилган суратлари планета рельефини тўғри анализ қилишга имкон берди. Бундай технология ердаги ва космосдаги телескоплар орқали олинган Ой, Юпитер, Венера, олис юлдуз системаларининг тасвирларини анча яхшилашга ёрдам берди.

В. ГАТАШ,
В. НАТ,
ТАСС мухбирлари.

ЕР ОСТИ ҚОЗОНХОНАСИ ИСИТАДИ

Чимкент областининг бир қанча хўжаликларида иссиқ булоқлар асосида қишлоқ қозонхоналари ишлай бошлади. Табиий тазйиқ остида ер остида қайноқ сув марказий иситиш системаси, теплица комплекслари, ҳаммом, кир ювиш хоналарининг трубаларига оқа бошлади. Қудуқлар марказий қўраларда қазилганлигидан иссиқлик трассаси, қуриш харажатлари анча камайди.

Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг гидрогеологлари қишлоқ аҳолисига янги иссиқлик энергия манбаини ҳадя этдилар. Улар қудуқ кавланадиган жойни кўрсатиб бердилар. Олимларнинг маълумотларига кўра, бу жойдаги иссиқлик запаси кўпга етади. Ҳозир Қозоғистонда секундига ер юзига 67 куб метр иссиқ сув чиқарилмоқда. Бальнеология, ҳовуз балиқчилиги соҳалари, теплица комбинатлари ундан асосий фойдаланувчилар ҳисобланади.

(ТАСС мухбири).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

КОЛЛЕКТИВНИНГ МЕҲНАТ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

БЕРЛИН. Пойтахтдаги «Электроаппарате-В е р-ке Берлин— Трептов» корхонаси коллективи шу йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида ГДР халқ хўжалиги учун ва экспорт учун планга қўшимча равишда икки миллион маркаликдан зиёд автоматлаштириш техникаси буюмларини тайёрлаб чиқарди. Фашизмдан озод бўлинганлигининг 40 йиллиги шарафига авж олдирилган социалистик мусобақа давомида энг кўп талаб этиладиган реле, электроника буюмлари ва бошқаришнинг автоматик приборларини пландан ташқари ишлаб чиқаришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Кўп минг кишилик коллектив планга қўшимча равишда яна бир миллион маркалик маҳсулот тайёрлаш мажбуриятини олди.

Ишлаб чиқаришни моддий-техника жиҳатидан яхши тайёрлаш ва озодликнинг 40 йиллиги муносабати билан социалистик мусобақанинг ижодий муҳити натижасида, деди корхона бош директорининг ўринбосари Д. Радемахер, шу йилнинг дастлабки ойларида меҳнат муваффақиятларига эришилди. Бу йил микроэлектрон аппарат ишлаб чиқаришни икки баравар кўпайтириш мўлжалланган. Корхона бунга энг аввало мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан интенсив фойдаланиш ҳисобига эришишни кўзда тутмоқда. Масалан, келгусида автомат контроль приборларидан яна ҳам интенсив фойдаланилади. Бу эса ишлаб чиқариш жараёнидаги танг жойларни бартараф этиш имконини беради. Корхонанинг ўзида тавсияланган рационализация воситалари ҳисобига ҳам кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришнинг ўсиши таъминланади.

МАДАНИЙ ҲАЁТДА КАТТА ВОҚЕА

РИМ. Италия пойтахтида очилган «Революциядан аввалги даврда Россия Даниеле Тинелли фотосуратларида. Бугунги Москва» деган фотокўргазма пойтахт маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Кўргазма Италиядаги совет элчихонаси ва «Карипло» молия бирлашмаси ташаббуси билан уюштирилди.

Жуда катта экспозицияга мамлакатимиз ўтмиши ва ҳозирги куни ҳақида ҳикоя қилувчи 300 дан ортиқ сурат киритилган. Италиялик Даниеле Тинеллининг фотосуратлари алоҳида эътиборга сазовор бўлмоқда. Россияга 1865 йилда келган ва бутун вужуди билан бу мамлакатни севиб қолган Тинелли бу диёрда қирқ йил яшади. Унинг кўплаб фотографиялари юксак техникавийлиги билан ажралиб туради. Бу асарларда тарихий ёдгорликлар, Москва майдонлари ва кўчалари, қишлоқ пейзажлари, шаҳар ва қишлоқ ҳаёти лавҳалари акс эттирилган. Д. Тинелли кўпинча меҳнат аҳлини: далада ишлаётган деҳқонни, саноат корхоналарининг ишчиларини, қурувчиларни суратга олар эди. Ҳар ҳолда у ўзини мафтун қилган Москвани кўпроқ суратга оларди.

Ана шу тарихий суратлар ёнига қўйилган совет усталари олган фотосуратлари кўргазманинг ажойиб гултожи бўлди. Бу суратлар ҳозирги Москва ҳақида ҳикоя қилади. Томошабинлар шу тариқа Октябрь революциясидан сўнг совет пойтахтида қандай ўзгаришлар рўй берганлигини таққослашлари, москваликлар ҳаётининг турли соҳаларида эришган кўплаб ютуқлар билан танишишлари мумкин.

Бу ерда очилган кўргазма иккала мамлакатимизнинг азалий алоқаларидан далолат беради, деди кўргазма очилишида «Карипло» бирлашмасининг вице-президенти К. Феррари. Бундай ташаббуслар Италия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги маданий алоқаларни янада ривожлантириш ва кенгайтиришга кўмаклашади, деб таъкидлади у.

АФРИКА ДАВЛАТЛАРИНИНГ ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИ

АДДИС-АБЕБА. Африка давлатлари социал-иқтисодий тараққиёт вазифаларини ҳал этишда катта қийинчиликларга дуч келмоқдалар, дейилади БМТнинг Африка учун иқтисодий комиссияси (ЭКА) докладида. БМТ ЭКА ижрочи секретари А. Адедежи бу ердаги матбуот конференциясида шу докладни тақдим этди.

Бу йил Африка экономикасининг ўсиш суръатлари 3 процентдан ошмаслиги тахмин қилинмоқда, деб уқтирилади ҳужжатда. Қишлоқ хўжалигида қониқарсиз аҳвол сақланиб қолади. Озиқ-овқат етишмаслиги аввалгидек сезилиб туради. Капиталистик мамлакатлар билан савдо-сотиқнинг адолатсиз характери, банк ҳисоб ставкаларининг сунъий равишда оширилганлиги, ноқулай об-ҳаво шароитлари, шу жумладан, узоқ давом этган қурғоқчилик Африка давлатлари мана шундай аҳволга тушиб қолганликларининг сабабларидир.

БМТ ЭКА маълумотларига кўра, 1972 йилдан 1983 йилгача ўтган давр ичида Африка мамлакатларининг ташқи қарзи саккиз баравар кўпайди. Чет эллардан олинаётган янги кредитлардан ривожланиш лойиҳаларини пул билан таъминлаш учун эмас, балки олинган қарзларнинг процентларини тўлаш учун тобора кўпроқ миқдорда фойдаланилмоқда.

Қитъа мамлакатлари экономикасидаги аҳволни яхшилаш мақсадида доклад мавжуд ресурслардан бирмунча оқилона фойдаланишни, экспортни кучайтиришни, Африка мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришни тавсия қилади.

• Шарҳчи сатрлари

Осиёда барқарор тинчлик бўлсин

Ўтган йили ва ундан олдинги йиллардаги сингари планетанинг тинчликсевар жамоатчилиги, аввало, Осиё қитъасидаги мамлакатларнинг тинчликсевар жамоатчилиги шу кунларда бир қатор муҳим тадбирларни амалга оширмоқда. Бу тадбирларнинг моҳияти инсониятнинг асосий қисми яшаётган Осиёда тинчлик, осойишталик ва социал адолатни таъминлашдан иборатдир. Жаҳон тинчлик кенгаши эълон қилган Осиё ҳафталиклари ҳар йили изчиллик билан ўтказилаётганлиги бежиз эмас, албатта. 30-йилларда иккинчи жаҳон урушининг дастлабки ўчоғи пайдо бўлган Осиё бугунги кунда эълон қилинган ва эълон қилинмаган урушлар бораётган, кескинлик ва можароларнинг эски манбалари сўниб, янги манбалари пайдо бўлаётган қитъа бўлиб қолмоқда.

Империалистлар, аввало, ана шу кенг регионни ўзининг «ҳаётий манфаатлари» зонаси деб эълон қилган АҚШ ҳукмрон доиралари Осиё халқларининг хоҳиш-иродаси билан ҳисоблашишни истамай, уларнинг ички ишларига қўпол равишда аралашмоқдалар, суверен давлатларга халқаро майдонда ўзларини қандай тутишлари кераклиги тўғрисида сабоқ беришга уринмоқдалар.

АҚШ ва унинг иттифоқчиларининг Афғонистон ишларига қуролли аралашуви кенгаяётганлиги бу сиёсатнинг яққол мисолидир. АҚШ 1980 йилдан буён Америка Марказий Разведка бошқармаси ва Ғарб мамлакатларининг махсус хизмат ташкилотлари Покистонда тайёрлаб ва қуроллантириб, Афғонистон территориясига ташланаётган ексилинқилобчи тўдаларга бераётган ёрдамни 6 баравар кўпайтирди. АҚШ конгресси шу йилнинг ўзидагина ана шу мамлакатга қуролли аралашиш мақсади учун 280 миллион доллар ажратди, келаси йили эса шундан икки баравар кўп пул ажратиш мўлжалланмоқда.

Яқинда АҚШ конгресси Кампучия халқининг Таиланд территориясида бошпана топган душманларига беш миллион доллар ажратишни маъқуллади. Эндиликда АҚШ очиқдан-очиқ ҳомийлик қилаётган полпотчилар худди ана шу Таиланддан халқ Кампучиясига ҳужумлар уюштирмоқдалар.

АҚШ Узоқ Шарқда Жанубий Кореяни қуроллантиришни кучайтирмоқда. Японияни ўзининг қўшни мамлакатларга қарши агрессив ядро стратегияси қуролига айлантириш мақсадида уни милитарлаштириш йўлига сургамоқда.

Пентагон Ҳинд океанининг марказида жойлашган Диего-Гарсия оролларини ўзининг муҳим ракета-ядро ваацдармига айлантириб қўйди. Бу плацдарм АҚШга океан акваториясига туташ бўлган барча мамлакатлар территорияларини нишонга олиб туриш имконини беради.

АҚШ зимдан иш кўриб, ҳозиргача давом этаётган Эрон-Ироқ можаросини келтириб чиқарди. Бу можаро юз минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритди ва Ироққа ҳам, Эронга ҳам жуда катта моддий зарар келтирмоқда. Пентагон ана шу можародан фойдаланиб, бу районда ўзининг ҳарбий базаларини жойлаштирмоқда, ҳарбий иштирокини ва қурол-яроғлар етказиб беришни кучайтирмоқда, бу аралашувга «тез ҳаракат қилувчи кучлар» деб аталмиш интервенциячи кучларни ҳам ишга солишга тайёрламоқда.

Осиё ва бутун дунё халқлари империалистик сиёсатга зарба бермоқдалар. Шу кунларда регионадаги мамлакатларда бўлиб ўтаётган намойишлар меҳнаткашларнинг Осиёни тинчлик ва яхши қўшничилик ҳамкорлиги қитъасига айлантиришга эришишга қатъий қарор берганликларини кўрсатмоқда.

А. БИРЮКОВ,
ТАСС шарҳчиси.

Кўп кишилик намойиш

БРЮССЕЛЬ. Флоренна-даги ҳарбий-ҳаво базасининг дарвозалари ёнида кўп кишилик намойиш бўлди. Бу ерда Пентагон ва НАТО блоки Бельгия халқининг хоҳиш-иродасига зид ўлароқ Американинг дастлабки 16 та қанотли ракетасини жойлаштирди.

Намойишчилар орасида мамлакатнинг ҳамма гўшаларидан бу ерга келган кўпгина хотин-қизлар ва болалар ҳам бор эди. Полиция Махелен шаҳридан 22 яшар Анита Варрини қамоққа олди. У гўё «рухсат этилмаган» жойга урушга қарши плакат ёпиштирганди.



Америка Қўшма Штатларининг маъмурияти Никарагуага қарши агрессив сиёсат олиб бормоқда. Бу борада ёлланма қўшинлар жангга тайёрланаяпти. Аммо тинчликсевар Никарагуа халқи чет эл босқинчиларининг ҳужумини бартараф этиш чораларини кўрмоқда. Четдан бўладиган ҳар қандай қуролли агрессияни ўз вақтида бартараф этиш учун никарагуаликлар тайёргарлик кўришаётир.

СУРАТДА: Сандино халқ армияси жангчилари чет эл агрессорларининг ҳужумини қайтаришга тайёр.

ФАН ОЛАМИДА НИМА ГАП?

ЛОЙДАН ОЛИНГАН «КУМУШ»

Ривоят қилишларича, милоддан аввал 4237 йилларда бир киши Рум мамлакатининг шоҳи Тиберияга металдан ишланган синмайдиган жуда енгил тоғорача ҳадя қилади. Унинг айтишича, бу ндиш металл лойдан, яъни алюминдан ясалган экан. Шунда шоҳ наҳотки лойдан олинган металл олтин ва кумуш нархини пасайтириб юборса деб бу одамни қатл қилишга ҳукм қилади.

Бу албатта бир ривоят, чунки алюминий олмин ва кумуш сингари соф ҳолда табиатда учрамайди. Алюминий соф ҳолатида лойдан ажратиб олишга ўша даврда мосламалар ҳам йўқ эди.

1807 йилга келиб англиялик олим Х. Дэви алюминий олишга биринчи бўлиб ҳаракат қилди. Аммо у муваффақият қозона олмади. Фақат 1825 йилда даниялик олим Ганс Христиан Эрстед ва 1827 йилда эса немис олими Фридрих Вёлерлар лаборатория шароитида биринчи бўлиб алюминийни граммлар ҳолатида олишга муваффақ бўлишади.

1855 йилга келиб Парижда ўтказилган халқаро ютуқлар кўргазмасида жамоатчилик биринчи маротаба лойдан олинган «кумуш» алюминийнинг бир неча килограммини кўришга муяссар бўлади. Бу даврда француз олими Сен-Клер Девиль қайтариш реакцияси усулида алюминийнинг хлоридли қотишмаларига натрий элементини таъсир эттириш йўли билан алюминий олган эди. Девиль бу қимматбаҳо алюминийдан ўйинчоқлар ясаб Наполеон III-нинг ўғлига, яъни шаҳзодага ҳадя сифатида тақдим этади. Наполеон III га алюминдан ишланган бу ҳадя жуда ёқиб қолади. Натижада у лашкарларининг бош кийимларини алюминийдан тайёрлашга буйруқ беради. Аммо шу даврда Париждаги кўргазмада бир килограмм алюминийнинг баҳоси 1000 марка билан баҳоланарди ва бу нарх кумушга нисбатан 5 маротаба қиммат эди.

Алюминий ишлаб чиқариш такомиллашиб борган сари 1884 йилга келиб алюминийнинг 1 килограммни 100 маркага тушиб қолади. 1886 йилда эса французлик П. Эру ва АҚШлик Ч. Холлар бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда электр манбаи ёрдамида алюминий олиш усулини кашф қилишди. Шундан кейин алюминий ишлаб чиқариш жуда ривожланиб кетади.

Бироқ у пўлатга ўхшамасди. Чунки алюминий ўта юмшоқ ва эгилувчан эди. Олимлар алюминийни пўлатга ўхшаш қаттиқ усулини яратишга уриниб кўришди. Барибир кутилган натижа чиқмади. Бу муаммони берлинлик немис олими Альфред Вильям кейинчалик ҳал этди. Дастлаб олим алюминий таркибига 4,5 процент мис, 0,5 — 1,0 процент магний ва 0,5 процент марганец қўшиб қиздирдида, уни худди пўлатни тобландек сувга солди. Лекин аралашмадан кўнгилдагидек қотишма чиқмади.

Кунлардан бир куни олим тобланган алюминий аралашмаси ҳақидаги тажрибаларини лаборантга топширади. Лекин лаборант лоқайдлик қилиб ўша куни битадиган ишни эртасига қолдириб кетади. Эртасига келиб кўрса икки кун қаттиқ қиздирилиб ташлаб кетилган алюминий аралашмасидан мустаҳкам қотишма пайдо бўлиб қолибди. Кейинчалик бу қотишма Германиянинг Дюрен шаҳрида кўплаб миқдорда ишлаб чиқарилиб дюралюминий номига эга бўлади.

Алюминий олишнинг электр-химиявий усул назариясини рус олими П. П. Федотов ишлаб чиққан. Рус олимлари А. А. Яковкин ва К. И. Бейер бокситдан алюминий олиш юзасидан кўпгина иш қилдилар. Боксит лойга ўхшаган модда бўлиб у алюминий гидроксид, гидрагилит, бемиг деган ном билан юритилиб табиатда тез-тез учраб туради. Бу модда биринчи бўлиб Францияннг жанубида жойлашган Ле-Бо деган жойдан топилганлиги туфайли унга боксид деб ном берилди.

Рус олимларининг алюминий ишлаб чиқариш назариясига оид илмий текшириш ишлари муваффақиятли бўлганига қарамай, чор Россиясида алюминий саноати йўқ эди. Россияда алюминий саноати фақат Улуғ Октябрь революциясидан кейин катта муваффақиятларга эришди. 1920 йилда эса инженер металлург А. Буталов узоқ изланишлардан сўнг, Кольчуга шаҳрида алюминий қотишмасини яратади ва унга кольчуга алюминий деб ном беради. У қотишмадан 1924 йили АНТ—2 самолёти тайёрланади.

1930 йилда бутун дунё бўйича 300 минг тонна алюминий ишлаб чиқарилган бўлса, 1980 йилга келиб фақат ривожланган капиталистик мамлакатларнинг ўзида 12,6 миллион тонна алюминий ишлаб чиқарилади.

Алюминийни тез суръатлар билан кўплаб миқдорда олинишига сабаб унда ўзига хос бўлган баъзи хусусиятлар мужассамлашганлигидадир. Биринчидан унинг вазни пўлатдан уч маротаба енгил. Иккинчидан зангламайди, ҳавода, баъзи бир газларда ва суюқликларда эримайди. Ўзига хос ялтироқ ва жилваланиши билан баъзи бир мосламалар қуришда жуда қулай келади. Алюминий қотишмалари мустаҳкам бўлиши билан пўлатдан қолишмайди. Ўта паст ҳароратга мойил бўлиб осон кесилади. Ўзидан электр токи ва иссиқликни жуда яхши ўтказади. Мана шу хусусиятлари туфайли алюминий ҳозир кенг миқёсда қурилишларда ва архитектура ишларида ишлатилади. Алюминийнинг кўп қисми эса авиация, темир йўл ва автомобиль, электротехника саноатида ишлатилмоқда. Турли уй-рўзғор идишлари ҳам кўпинча алюминийдан ясалган. Ҳозирги замонавий енгил автомашина учун ўрта ҳисобда 50 килограмм алюминий сарф бўлади.

Ўтган йиллар давомида алюминий заргарликда ишлатиладиган металдан тортиб, оммавий металга айланиб кетди. Бироқ олимлар ва инженерлар алюминий устида изланишларни давом эттиришяпти.

Алюминий металлининг нархи пастлаб кетган бўлса ҳам, лекин унинг бошқа элементлар билан бирикмаси ҳали ҳам қиммат баҳоланади. Масалан алюминий оксид деб аталувчи алюминийни кислород билан бирикмаси табиатда кристалл ҳолатда учрайди ва укорунд деб аталади. Темир ва титан қўшимчалари бўлган корунд кристаллари эса сапфир деб аталиб улар ниҳоятда қиммат-баҳо тошлар ҳисобланади.

Ҳозирги кунда алюминийнинг бирикмалари катализатор сифатида мономер ва полимерлар олишда ҳам кўл келмоқда. Алюминий бирикмалари ёрдамида олинган полимерлар физик— химик хоссалари билан бошқа катализаторлар ёрдамида олинган полимерлардан ўз хусусияти билан ажралиб туради.

Хулоса қилиб айтганда, лойдан олинган «кумуш»нинг келажаги порлоқ. Ундан олинадиган янгидан-янги қотишмалар эса турли соҳаларда ишлатилажагидан дарак бериб турибди.

А. ВАЛИЕВ,
химия фанлари кандидати.



ЛЕНИНГРАД. С. М. Киров номли тўқимачилик ва енгил саноат институти олимлари бир қатор илмий изланишларни муваффақиятли амалга оширишмоқда. Профессор Ефим Самойлович Роскин раҳбарлигида бир группа олимлар тўқимачилик саноати учун кўплаб янгиликларни яратдилар. Билим даргоҳида яратилган бир қатор илмий изланишлар тинчлик йўлида ишлатилаётир.

СУРАТДА: профессор Е. С. Роскин ўз ҳамкасблари (чапдан-ўнгга) Т. П. Кузьмина, Н. М. Волохонская ва З. В. Антоновалар билан илмий кузатиш олиб бормоқда.

ТАСС фотохроникаси.

● Фестиваль олдидан

ЁШЛАР ТИНЧЛИК ҚЎШИҒИНИ КУЙЛАМОҚДАЛАР

Шоир Асқад Мухторнинг «Бу дўстлик» шеърига Дилором Сайдаминова ёзган қўшиқ «Садо» вокаль-чолғу асбоблари ансамблининг фестиваль программасига муқаддима бўлди.

— Москва фестивалига бориш — биз учун катта шон-шараф ва қувончлидир,— дейди ансамблнинг бадиий раҳбари Владимир Барамиков.— Бундай мўътабар анжуманда қатнашиш коллективнинг ижодий тақдирида муҳим воқеа бўлиб қолади.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг Ялтада ўтказилган Бутуниттифоқ қўшиқ конкурсида Барамиков энг яхши режиссура ва программа постановкаси учун диплом билан тақдирланган, ташкил этилганига энди бир йил бўлган «Садо» эса кутилмаганда ғолиб чиққан эди. Эндиликда ансамбль Ўзбекистондаги оммавий эстрада коллективларидан бирдир.

Азиза Муҳамедова, Людмила Романиди, Кумуш Раззоқовадан иборат солистлар трио си ансамблининг ҳиссий ва ташкилий марказидир. Фақат «Садо»га хос ёрқин оригинал либослар, камалакдек товланувчи нур, ажойиб - тузилган номерлар унинг концертларини жозибали қилмоқда. Чет эллик томошабинларнинг фикрлари ҳам шундан далолат беради. Гастроль таассуротлар дафтарида: «Сиз яшаётган мамлакат бизга яқинроқ ва тушунарлироқ бўлиб қолди», «Сўзларини тушунмасакда, тинчлик тўғрисидаги орзуларингизни қалбдан ҳис этдик» деган сўзлар ёзилган.

Ансамбль Танзания ва Луандада, Мадагаскар ва Сейшель ороллари да, Вьетнам ва Лаосда концертлар берди. Ансамблнинг ҳамма қатнашчилари ВСРнинг «Дўстлик» медали билан мукофотланган. У Афғонистон Демократик Республикасида ҳам икки марта бўлди. «Садо» Австрия коммунистларининг «Фольксштимме» газетаси байрамларида, Германия Демократик Республикасидаги «Чипор қозон» телевизион программасида ҳам иштирок этди.

— Чет эл сафарларида дўст тутинган кўпдан-кўп биродарларимиз билан Москвада учрашиш ниятидамиз, — дейди Владимир.

— Янги репертуарингизда қандай номерлар бор?

— Фестиваль программамизни ёшларнинг бундан олдинги анжуманлари ўтган мамлакатлар бўйлаб музикали саёҳатдан бошламоқчимиз. Шу «Саёҳат»да Ўзбекистон ССР халқ артисти, республика Ленин комсомоли лауреати раққоса Дилафруз Жабборова ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Одил Камолхўжаев ансамбль солистлари билан бирга қатнашади. Гастролимиз ўтган ҳар бир мамлакатдан музикали совғалар: вьетнамча «Қаердасан севги», афғонча «Мени кўрмоқчи бўлсанг, тез кел», африкача «Малайка» ва бошқа қўшиқларни келтирганмиз. Шулар ҳам янги программага киритилади. Раймонд Паулс билан Илья Резник коллективимиз учун махсус ёзган «Шарқ фрескалари» — Ўзбекистон тўғрисидаги қўшиқлар концертимизнинг иккинчи бўлимини очади. Томошабинларни СССР халқларининг янги қўшиқлари билан таништирамиз.

Фестиваль программасининг премьераси май ойидаёқ Швейцарияда бўлади. Ансамбль бу мамлакатдаги Совет Иттифоқи кунларида қатнашувчи Ўзбекистон делегацияси составида ўша ерга боради.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

БАЙРАМЛАР ОЙИ

Табиат ўз сепини ёйиб, шаҳар, қишлоқ, тоғ ва адирлар кўм-кўк либосга бурканган бир пайтда ўлкамизга баҳор фаслининг якунловчи ойи май — ташриф буюрди.

Май — об-ҳавонинг кескин ўзгариши содир бўладиган ой бўлиб, унда иссиқ кунлар тез-тез ёғин-сочинли, момақалдироқли кунлар билан алмашиб туради.

Беповён мамлакатимизнинг қутб доирасидаги районларда ўртача ойлик ҳаво ҳарорати ноль даражадан ҳам паст бўлиб, Таймир ярим оролида айрим кунлари ҳаво 37 даражагача совиб кетиши ҳам мумкин.

Ўрта Осиё республикалари мамлакатимизда энг иссиқ жойлардан биридир. Бу ерда май ойида ўртача ойлик ҳарорат 25 даражани ташкил этиб, айрим кунлари ҳатто 30 даражадан ҳам ошиб кетиши мумкин. Майда баҳорнинг жозибадор ёқимли шамоллари қор ва музлар ўлкаси бўлган Тянь-Шань, Помир ва Олой тоғларига кўтарила бошлайди.

Май ойи одамларни ардоқлаб, уларга олам-олам қувонч келтиради. Уни ҳақиқатан ҳам байрамлар ойи деса бўлади. Бу борада ойлар ичида унга етадигани йўқ. Майда саккиз бор байрам бўлади. Бу байрамлар ичида Улуғ Ватан урушидаги Ғалабамизнинг 40 йиллиги тантаналари ўзгачадир.

Баҳор ойларида об-ҳаво инжиқликлари туфайли республикамизнинг шимолий районларида чигит экишда бирмунча қийинчиликлар бўлди. Ой охирида кунлар яна исий бошлади. Май об-ҳавоси ҳам ёз яқинлигидан дарак бермоқда.

А. АКБАРОВ.

● ОНА ТАБИАТНИНГ БЕБАҲО ИНЪОМИ
● МИНГ ДАРДГА ДАВО ● КОИНОТ СИРЛАРИ
● ГУЛ ЧЕЧАКЛАР — ГЎЗАЛЛИК РАМЗИ.



Май таърифи

Май сўзи лотинча «майус»дан келиб чиққан бўлиб табиат худоси Майи шарафига қўйилган. Бу ойнинг қадимги русча номи— травень, яъни кўкатлар гуллайдиган ой демакдир.



«Она ва бола дарахт».

●

«Баҳор келди, бола ола келди».

Ҳ. Мирзакаримов
фотоларн.

● Инсон ва табиат

ФАСЛ ЭЛЧИЛАРИ

Қушлар одамларнинг азалий дўсти. Қуш бор жойда одам, одам бор жойда эса қушлар бор.

Қушларнинг 8500 дан ортиқ тури маълум. Улар турли иқлимий шароитларга мослашиб яшашади. Биз уларни осмонўпар қорли чўққиларда ҳам, жазирама саҳроларда ҳам учратамиз. Қушлар марказий ва жанубий Америкада энг кўп тарқалган. Уларнинг Колумбияда — 1700, Бразилияда — 1440, Экваторда — 1357, Венесуэлада — 1282 тури учрайди. Европада эса қушларнинг 460, Советлар мамлакатида 700 тури бор. XVIII аср охиридан ҳозиргача 76 қуш тури йўқолди. Ҳозирги вақтда қушларнинг сони 100 миллионларддан ортиқ деб тахмин қилинади.

Ўзбекистон — жаннатмакон ўлка. Бу ерда қанотли дўстларимизнинг 300 дан ортиқ тури учрайди. Биргина Қизилқумда 250 турга яқин қушлар бор.

Қушларда модда алмашинуви тез кечади. Уларнинг тана ҳарорати доимий ва бироз юқори бўлади. Юраги эса 4 камерали бўлиб сезги, кўриш, эшитиш органлари яхши тараққий этган. Қушлар ҳаракатчанлиги ва масофани тез босиб ўтиши билан умуртқали ҳайвонлар ўртасида биринчи ўринни эгаллайди. Шу хусусиятига кўра, қушлар Ер шарида кенг тарқалгандир.

Она шаҳримиз Тошкент табиати гўзал бўлганлиги учун ҳам қушлар жуда кўп. Тошкентга иссиқ вақтларда келиб кетадиган қушлар ҳам бир талай. Буларга асосан майна ва қалдирғочларни мисол келтирсак бўлади.

Бир қатор қушлар борки, улар қиш фаслларида ҳам шаҳримизда қолиб ҳаёт кечиради. Улар турғун қушлар бўлиб қолган. Бу қушларга каптарлар, мусичалар, турли хил чумчуқлар, кўк ва ола қарғалар, зағча, зағизғон, олашақшақ, ҳакка, бойўғли ва бошқалар киради.

Қушларни фасл элчиси деб бежиз айтмадик. Ахир аждодларимиз баҳор келишини, қишнинг бошланишини қушлар орқали билишган. Иқлим ҳароратнинг қандай бўлишини ҳам инсонлар қушларнинг келиб кетиши, паст-баланд учишидан билганлар. Баъзан тажрибали кишилар қор, ёмғир ёғиши ёки кунларнинг исиб, совишини қушлар учиши ва сайраши орқали аниқлайдилар.

Қушлар одамлар дўсти. Улар илгари мамлакатлар ўртасида алоқа воситаси сифатида ҳам муҳим ўрин тутган.

Шаҳримиз қушларини авайлаб эҳтиётлайлик! Бунинг учун эса қўлда уялар ясаб, дарахтлар ва уйлар тепасига қўяйлик. Дон ва нон увоқлари билан уларни озиқлантириб турсак, бу билан қушларни ҳимоя қилган бўламиз.

Ҳ. ҲАБИБУЛЛАЕВ.

Марҳамат: конкурс ғолиблари билан танишинг

«ТАБИАТ ВА ИНСОН»

Табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, инсон таъсир кўрсата оладиган ва у яшаб турган муҳитда табиат муҳофазаси ҳамда уни ўзгартириш масалаларини қамраб олувчи инсон ва табиат проблемалари ҳозир ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шаҳар табиатини муҳофаза қилиш жамияти, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси 1984 йилда ҳамшаҳарларимизни жонажон диёримизга муҳаббат руҳида тарбиялаш, табиий ресурслардан фойдаланишда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, табиат бойликларини кўпайтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳақида жамиятнинг энг яхши бошланғич ташкилотлари, табиат ҳаваскорлари клублари, «яшил посбон» фаолияти, атроф-муҳит муҳофазаси ташаббускорларининг ибратли ишларини ёритувчи энг яхши мақолалар конкурсини ўтказган эдилар. «Шаҳар ва табиат» рубрикалари остида юздан зиёд конкурс материаллари эълон қилинди. Мақолаларнинг муаллифлари Тошкентнинг ўсимлик ва ҳайвонот оламн ҳақида ҳикоя қилиб бердилар, кишиларни набототни севиш руҳида тарбиялаш борасидаги масалаларни кўтардилар. Танқиндий мақолаларда атроф-муҳитни нфлослантиришда айбдор бўлган шахслар аниқ кўрсатилди.

Конкурс жюриси эълон қилинган материалларни кўриб чиқиб шундай қарор қабул қилди:

Биринчи мукофот ва биринчи даражали диплом қуйидагиларга берилсин:

Ҳ. Ҳабибуллаевга, биологга, «Ҳар биримизнинг ва ҳаммамизнинг бурчимиз», «Ҳашаротлар қандай фойда келтиради», «Ҳаёт илдизи», «Шифобахш ўсимликлар» мақолалари учун.

Б. Абдуназаровга, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг зоология ва паразитология илмий-тадқиқот институти кичик илмий ходими — «Оқ қушлар» ва бошқа мақолалари учун.

Иккинчи мукофот ва иккинчи даражали диплом — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач, медицина фанлари кандидати З. Эгамбердиевга, «Ҳаёт манбаи», «Мусаффо ҳаво — саломатлик гарови» мақолалари учун.

Учинчи мукофот ва учинчи даражали диплом — шаҳар бош агрономи Қ. Вақосовга, «Табиат ва биз» ҳамда шаҳар табиати тўғрисидаги мақолалари учун.

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Шаҳар табиатини муҳофаза қилиш жамияти, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газета редакциялари атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ишларни янада яхшилаш мақсадида ўсимлик ва ҳайвонот олами, атмосфера ҳавоси муҳофазаси, сув манбаларидан оқилона фойдаланиш, кўнгилли табиат дўстлари фаолиятини ёритиш бўйича энг яхши мақолалар ва энг яхши фотосуратлар учун 1985 йил ижодий конкурсини эълон қилади.

Энг яхши очерклар, лавҳалар, репортажларнинг ғолиблари учун дипломлар ва мукофотлар таъсис этилди. Биринчи мукофот — 150 сўм, иккинчи мукофот — 125 сўм, учинчи мукофот — 100 сўм.

Энг яхши фотосуратларнинг муаллифлари дипломлар ва мукофотлар билан тақдирланадилар. Биринчи мукофот учун — 75, иккинчи мукофот — 50, учинчи мукофот учун — 25 сўм белгиланган.



Отахонлар ҳиммати

ХИЁБОН БОҒБОНИ

Боғнинг гўзал бўлиши боғбонга боғлиқ, албатта. Пойтахтнинг Собир Раҳимов район ижроия комитети биноси олдида кичик хиёбон бор. Ўтган йили бу ердаги қурий бошлаган дарахтлар олиб ташланиб, ўрнига арчаннинг яхши навлари ўтқазилди. Ўртасига эса турли нав гуллар экилди. Натижада хиёбон чирой очди. Етмиш саккиз ёшдаги Раҳмат ота Турсунов бу ерга боғбон этиб тайинланди. Қачон шу ерга борманг, отахон қўлида кетмони ёки хаскашн билан дарахт ва гулларнинг тагини бўшатиб, бегона ўтларни юлаётган ёки сув тараб парвариш қилаётган бўлади. Район ижроия комитети ва бошқа идоралар ҳузурига келувчи минглаб кишилар бир нафас шу хиёбонда ўтириб дам оладилар. Яқинда ота-хон билан суҳбатлашиб қолдим.

— Ёшликдан боғбонликни яхши кўраман. Ҳозир пенсиядаман. Беш фарзанднинг отаси ва 30 га яқин набирага бобоман. Аммо уйда бекор ўтиролмайман. Шу туфайли район ободонлаштириш бўлимидан шу ерга боғбонлик қилишни ўзим сўраб олдим. Ахир бу ерга ҳар куни келувчи минглаб кишилар бир оз бўлсада, хиёбон сояси, манзарасидан баҳраманд бўлиб кетадилар. Ҳа, бундан ортиқ кувончли иш борми?

Отахоннинг ҳайрли ишларидан ҳамма хурсанд бўлиб, унга раҳмат айтишмоқда.

Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ,
жамоатчи мухбир.

● Шифобахш неъматлар

Нордон шовул

Баҳорнинг шифобахш неъматларидан бири шовул бўлиб, уни кўпгина хонадонлар маданий ҳолда ўстирадилар. Гиёҳнинг мурғаккина барглари нордон, кўнгилочади, баргларидан татимли шўрвалар, чучвара ва кўкатли сомсалар тайёрланади. Ҳатто шовулнинг сабза барглари-ни чайган ҳолда истеъмол қилиш ҳам мумкин.

Ўсимликнинг яна бир хосияти устида тўхталиб ўтишга тўғри келади: шовулнинг барг, илдиз ва мевалари сариқ касалида, қоннинг бемавруд кетишида, мевда фаолиятининг бузилишида ижобий таъсир этади.

Серхислат шовулнинг химиявий таркибига назар ташласак унинг «саломатлик хазинаси» эканлигини илғаб олишимиз мумкин. Шовулда витамин С, каротин, флавоноидлар, гиперазид, рутин, шунингдек салмоқли миқдорда шовул кислотаси, оқсил, қанд ва яна бир қатор фойдали микроэлементлар бор.

ҲАР ОЙНИНГ ЎЗ ТАОМНОМАСИ БОР

Май ойида она табиат янада чирой очади, олам яшилликлибосига бурканади. Хўш, бу ойда қандай таомларни истеъмол қилган маъқул! Яхна таомлардан кўпроқ равоч, редиска ва улардан тайёрланган салатлар, бодрнинг ва тухум салатқ, қаймоқли редиска, тухумли редиска, майонезли редиска, яхна тил, яхна жигар, каллапоча. Суюқ таомлардан эса қатиқли кашнич ва яллиз сепилган мастава, мошхўрда, шовул шўрва, янги картошкали қайнатма шўрва, янги сабзи солинган нўхот шўрвалар истеъмол этиш тавсия қилинади. Қуюқ овқатлардан зарчавали палов, каваток мантн, каватоқ бўғлама, қиймa буйрак, исмалоқ сомса, яллпиз бичак, қатиқли мошчиккрн истеъмол қилган маъқул. Шулардан редискали димлама тайёрлаш йўлларн билан танишинг.

РЕДИСКАЛИ ДИМЛАМА

Редисканинг оқ, қизил, зангори тусдагиларини ёнғоқ катталигида танлаб олаcиз, учини ва бандини кесиб ташлайсизда, пўстини арчимай совуқ сувга солиб бир неча бор ювиб сиркитиб қўясиз. Ёғлироқ гўштни кабобга тўғрагандек қилиб кесасиз. Пиёзни ҳалқа-ҳалқа тўғранг, яна кўк пиёз, кўк саримсоқ, укроп ва кашничларни ювиб юборгач қирқинг. Сўнгра барча масаллиқни бирга аралаштириб кастрюлкага соласиз, масаллиқнинг юзи билан баробар сув қуясиз. Қайнаб чиққач кўпигини олиб тузини ростлайсиз ва суст олов бериб 40—45 минутча димлаб қўясиз.

Тайёр таомни човли билан олиб лаганга суzасиз, шўрвасини эса дастурхонга пиёлаларда тортган маъқул.

Масаллиқ: 4—6 кишига мўлжалланган: редиска 4—5 боғ, гўшт 1 килограмм, пиёз 2 бош, кўк пиёз ва кўк саримсоқ 1 боғдан, кашнич ҳам, укроп ҳам 1 боғдан, туз таъбга кўра солинади.

К. МАҲМУДОВ,
пазанда.

● Коинот—85

САЙЁРАЛАР САЙРИ

Май ойида астрономик кузатишлардан энг қизиғи — 5 май соат 2 дан 22 минут ўтганда тўла ой тутилиши бўлди. Бир соату 8 минут давомида ой қизил рангга бўялиб турди ва сўнг Ер соясидан астасекин чиқди.

Умуман бу йил бизнинг планетамизда иккита қуёш тутилиши ва иккита ой тутилиши содир бўлади. Бу тутилишларнинг сабаби —Ойнинг Ер атрофида доира шаклидаги текис ҳаракати, Ойга Қуёшдан келаётган нурни Ер тўсса —Ой тутилиши кузатилади, Ерга Қуёшдан келаётган нурни Ой тўсса —Қуёш тутилиши кузатилади. Ернинг Ойга тушаётган сояси катта бўлгани учун Ой тутилишини кўп мамлакатлар бавравр кузатиши мумкин. Лекин Ой сояси энн 50—150 километр бўлади ва тўла Қуёш тутилишини фақат шу соя ҳаракати йўналишидаги яшовчилар кузатиши мумкин. Бошқалар эса қисман тутилишни кузатишлари мумкин.

19 май соат 2 дан 15 минут ўтганда қисман қуёш тутилиши содир бўлади ва у республикамизда кўринмайди. Тутилиш Осиёнинг шимол ва шарқ қисмларида, Европанинг узоқ шимолида, Шимолий Америкаанинг шимол қисмида, Тинч ва Шимолий Муз океанида ва Атлантик океани шимоли-ғарбида эрталабки соатларда кўринади. Шунда тутилишнинг максимал фазаси — 0,84 ни, яъни қуёш доирасининг 84 процентини ташкил этади.

Совет Иттифоқи территориясида Ой сояси Улан-Уде, Енисейск, Салехард, Норьян—Мардан ўтиб Мурманскга томон ҳаракат қилади.

Сайёралардан Зуҳра эрталабга яқин шарқда — Балиқлар туркумида, Марс эса кечки пайт жанубий-ғарбда қисқа вақт кўринади.

Юпитер туннинг иккинчи ярмида Жадди юлдуз туркумида энг ёруғ юлдуздек чарақлаб туради. Сайёралардан Сатурнни энг яхши кузатиш вақти май ва июндир. Тун бўйи тарозн туркумидаги Сатурннинг 15 майда Ерга рўпара турнши содир бўлиб, Ердан 1350 миллион километр масофада жойлашади. Шунда Сатурннинг ҳалқалари кенг ёйилиб сунъий йўлдошлари кўринади.

Метеор оқимлардан гамма— Акварид тез учар ва узун изли метеорлар оқими кузатилади.

В. УМАРОВ,
астроном.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

ТОШКЕНТ ШЕР ОҚШОМИ

13 МАЙ, 1985 й.

ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

ДУШАНБА, 13. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Буратино кўргазмаси».
10.10 СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари.
10.40 «Булочка». Болалар учун бадиий фильм премьераси (ПХР).
11.00 «Авлодларга ахборот учун». Илмий-оммабоп фильм.
12.20 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Қишлоқ уфқлари». Ҳужжатли фильмлар.
16.05 «Биз шу зайлда ғалабага эришдик». БССРда хизмат кўрсатган артист Я. Евдокимов иштирокида музикали композиция. Минскдан олиб кўрсатилади.
16.25 «Объектив».
17.00 «Жарангла, бандура».
17.30 Мактаб ўқувчиларининг Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Москвадаги «Стрела» заводининг директори В. В. Немцова билан учрашуви.
18.05 С. Рахманинов. 2-соната.
18.25 Россияда 1905—1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллигига. Тарих саҳифалари. «Пролетариат иттифоқчиси».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ишлар ва одамлар». В. И. Ленин номли Москва метрополитенининг 50 йиллигига.
20.00 «Шахсий масалалар бўйича қабул куни». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Санъат усталари». СССР халқ артисти Л. И. Касаткина.
23.25 «Дунё воқеалари».
23.40 Тинчлик велопойгаси. ЧССРдан олиб кўрсатилади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Владивосток». Телефильм.
9.35, 10.35 Табиатшунослик. 3-синф. Табиатни муҳофаза қилиш.
9.55 «Микроолам одимлари». Илмий-оммабоп фильм.
10.05 «Рус тили».
10.55 «Бригадалар резервлардан фойдаланмоқдалар». Илмий-оммабоп фильм.
11.05 География. Жойнинг планини тузиш.
11.35, 12.40 Тарих. 6-синф. Уйғониш даври олимлари.
12.05 «Фан ва турмуш».
13.10 Зоология. 7-синф. Дарвиннинг эволюцион назарияси.
13.35 Астрономия. 10-синф. Астрономия ва космонавтика.
14.05 «Жав дараси». Телефильм.
14.25 «Дарслардан сўнг». Тележурнал.
15.10 Р. Роллан. «Хотиралардан».
16.00 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Ровесник» киножурнали.
19.00 Ритмик гимнастика.
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 Дзюдо кураши бўйича Европа чемпионати. Норвегиядан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Прага баҳори-85» Халқаро музика фестивалининг очилиши. Прагадан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

18.05 Янгиликлар.
18.20 «Шоирлар — болаларга». Уйғун. Туғилган кунининг 80 йиллигига.
18.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Жасорат» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Адабий альманах».
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси Уйғур ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Вертикаль». Бадиий фильм.
23.20 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Звезда» (Жиззах) — «Пахтакор». Жиззахдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

● ЎзТВ II

9.00—16.05 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Қизиқарли математика». Илмий-оммабоп программа.
18.50 «Денгиздан эсган шамол». Телефильм.
19.40 Врач маслаҳати.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Совет хотин-қизлари». Кинопрограмма.
21.30 МТ II

СЕШАНБА, 14. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «СССР халқ артисти Д. Журавлёв А. С. Пушкин шеърларини ўқийди». Фильм-концерт.
10.20 Ф. Лист ва М. Равель асарлари.
10.50 «Шахсий масалалар бўйича қабул куни». Бадиий фильм.
12.20 «Дунёнинг олтидан бир бўлаги». Илмий-оммабоп фильм.
12.45 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар.
16.20 «Концерт залида — мактаб ўқувчилари».
17.05 «Фил учун совға». Мультфильм.
17.15 Совет драматургиясида меҳнат мавзуи.
18.15 «Биргаликда аҳил оиламиз».
18.35 «Фан ва турмуш». Урал илмий маркази.
19.05 «Фожиа бўлмаслиги мумкин эди». Алкоголизмнинг зарари ҳақида илмий-оммабоп фильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Сиз яратган боғ».
20.00 Варшава Шартномасининг 30 йиллигига. «Социализмнинг ишончли қалқони». Телефильм премьераси.
20.50 Сибирь Давлат рус халқ хорининг концерти.
21.30 «Время».
22.05 «Москва юлдузлари» санъат фестивалининг якунловчи концерти.
22.55 «Дунё воқеалари».
23.10 СССР халқ артисти Ю. Завадский Р. Гамзатов шеърларини ўқийди.
23.45 Тинчлик велопойгаси. ЧССРдан олиб кўрсатилади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Бутун уруш мобайнида». Ҳужжатли фильм премьераси.
9.35, 10.35 Табиатшунослик. 2-синф. Кўкламда колхозда.
9.55 «Дарё ўйноқлайди». Илмий-оммабоп фильм.
10.05, 13.40 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.55 «...ва яна Байкал ҳақида». Илмий-оммабоп фильм.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Эстетик тарбия. Живопись.
11.35, 12.40 Физика. 8-синф. Робот техникаси.
12.05 «Шахмат мактаби».
13.10 Тарих. 4-синф. Улуғ Ватан урушининг ёш қаҳрамонлари.
14.10 В. В. Маяковский — рассом.
14.55 Музика. Бетховеннинг 5-симфонияси.
15.25 Тарих саҳифалари. Карл Маркс ва ҳозирги давр.
16.10 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.35 «В. И. Качалов».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Мамлакатнинг бадиий музейлари. Палех санъати.
21.20 «Мангуликка айланган лаҳзалар». Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Қайрат».

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Оҳ, сингилжоним». Мультфильм.
18.25 Ўсмирлар учун. «Орзу».
19.00 «Халқ истеъмоли молларига — юқори сифат».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Ўзбекистон бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерти.
20.15 «Караканош ва уста Игна». Катталар учун мультфильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Музика истиқболи эгалари».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дала ишлари кундалиги».
22.25 «Театр учрашувлари». А. П. Чехов номидаги Самарқанд область рус драма театри. Кўрсатув тугагач — Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.15 МТ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Биология. Инсон ва биосфера.
18.50 «Волгадан Донгача». Телефильм.
19.00 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. Социалистик қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботнинг таъминланиши.
19.30 «Ладога денгизимиз». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Тунги смена». Телефильм.
21.00 Эстетика асослари. Коммунизм қуриш даврида эстетик маданиятнинг ривожланиши (рус.).
21.30 МТ II

ЧОРШАНБА, 15. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Саёҳатчилар клуби».
10.40 «Концерт залида— мактаб ўқувчилари».
11.25 «Дадам, ойим, мен — туристлар оиласи». Илмий-оммабоп фильм.
11.45 «Лэутар оҳанглари».
12.15 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Фан ва меҳнат иттифоқи». Ҳужжатли фильмлар.
16.15 «Сенинг ленинча кутубхонанг». В. И. Ленин. «Америка ишчиларига мактуб».
16.50 Арфа квартети чалади.
17.05 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.50 «Андрей Эшпай. Музикали портрет». Фильм-концерт.
18.45 «Инсон ва қонун».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Катталар учун мультфильмлар: «Қойилмақом Гоша», «Тугмача».
19.50 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
20.20 «Қаерда эдинг, Одиссей?» Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Бу йўлларни биз асло унутмаймиз». Поэзия. М. Светлов.
22.30 «Музика ҳамма учун».
23.20 «Дунё воқеалари».
23.35 Тинчлик велопойгаси. ПХРдан олиб кўрсатилади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Халқ рассоми». Телефильм премьераси.
9.35, 10.35 Астрономия. 10-синф. Коинот ҳақида нималарни биламиз.
10.05, 13.30 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Физика. Механик тўлқинлар. Товуш.
11.35, 12.40 М. Сервантес. «Дон Кихот». 6-синф.
12.05 «Сиз яратган боғ».
13.10 Табиатшунослик. 4-синф. Ҳайвонларнинг хилма-хиллиги.
14.00 Тарих. 9-синф. СССРда маданий революция.
14.30 «Билимимиз — қудратимиз». Тележурнал.
15.15 О. Берггольц. Ижоди саҳифалари.
16.05 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Кимнинг омади кулиб боқса». Телефильм.
19.00 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион программаларининг VI Халқаро фестивали. «Янгра, қўмиз» (СССР, Қирғизистон телевидениеси).
19.30 «Онамларнинг мактаби».
20.00 «Музикали киоск».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
21.20 «Ғалаба ҳуқуқи». Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 «Домбраси оҳангларга мос эди». Телевизион бадиий фильм премьераси.
23.25 Илмий-оммабоп фильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Ер ва эл». Кинопрограмма.
11.30 Ботаника. Ўсимлик ва унинг атроф муҳит билан алоқаси.
12.00 «Ойнинг ўттиз иккинчи куни». Телефильм.
12.30 Рус адабиёти. М. Светлов. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари (рус.).
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Тенгдошларинг ижодидан».
18.45 Москвада бўладиган ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивали олдидан. «Фестиваль йўлларидан».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Бир асар тарихи». А. Мухтор. «Чинор».
20.30 «Ахборот».
20.50 Ёш ижрочилар концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Пилла — бойлигимиз».
22.25 «Фронт ортидаги фронт». Бадиий фильм. 1-серия.
23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.15 МТ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Командировка». Телефильм.
18.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Эстафета давом этади...»
19.20 «Йўл ёқасидаги уй». Фильм-балет.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Эстетика асослари. Коммунизм қуриш даврида эстетик маданиятнинг ривожланиши.
21.00 «Истиқболли моделлар — конвейерга» (рус.).
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА, 16. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Домбраси оҳангларга мос эди». Телевизион бадиий фильм.
11.00 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
11.30 «Қаерда эдинг, Одиссей?» Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
12.35 Композитор В. Агапкин асарларидан концерт.
12.50 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Замондошимиз». Ҳужжатли фильмлар.
16.10 «Игорь Шамо қўшиқлари». Фильм-концерт премьераси.
16.40 «Нега мушукни мушук дейишади». Мультфильм.
16.50 «Подмосковье қишлоғининг бугуни ва эртанги куни».
17.20 «Моҳир қўллар».
17.50 М. Шолохов. «Очилган қўриқ». Романдан парчалар.
18.25 Т. Хренников. «Гусар балладаси» балетига ёзилган куйдан сюита.
18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Социалистик экономикани бошқариш». Кўрсатувни СССР ФА мухбир аъзоси П. Г. Бунич олиб боради.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Дунё ва ёшлар».
20.05 «Открыткалар оламида». Ҳужжатли фильм.
20.10 «Қаерда эдинг, Одиссей?» Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Ёзувчи ва ҳаёт».
23.05 «Дунё воқеалари».
23.20 «Виктор Васнецов. Хотиралар». Телефильм премьераси.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Ўз фикри». Телефильм.
9.35, 10.50 Физика. 6-синф. Энергия ва иш.
10.05, 13.40 Испан тили.
11.05 «Декоратив-амалий санъат». Илмий-оммабоп фильм.
11.35, 12.40 В. Шекспир. «Гамлет». 9-синф.
12.10 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
13.15 Тарих. 5-синф. Қадимий Римда маданият ва фан.
14.20 «Вайгач». Илмий-оммабоп фильм.
14.35 «Генерал Раҳимов». Бадиий фильм, субтитр билан («Ўзбекфильм»).
16.10 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Антарктидани танлайман». Телефильм премьераси.
19.20 Халқ куйлари.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «10 миллион ҳақида 10 минут». Ҳужжатли фильм.
21.00 Бадиий гимнастика бўйича халқаро мусобақалар. Болгариядан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Онам эрга тегди». Бадиий фильм.
23.25 ЧССР, ПХР, БХР, ВХР фольклор коллективларининг концерти.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Рус тили. Бизнинг Ватанимиз.
10.40 «Иван Франко». Телефильм.
11.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Салют, Ғалаба!» (такрорий).
12.30 Зоология. Сут эмизувчиларнинг аҳамияти ва уларни СССРда муҳофаза қилиш.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш.
18.35 «Боцман ва тўти». Мультфильм.
18.45 «Ўзбек адабиёти классиклари». Муқимий. Туғилган кунининг 135 йиллигига.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Инсон ва қонун» программаси почтасидан.
20.15 «Мустаҳкам озуқа базаси учун».
20.30 «Ахборот».
20.50 Область театрлари солистларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 Ягона сиёсий кун. КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олайлик!
22.35 «Фронт ортидаги фронт». Бадиий фильм. 2-серия.
23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.05 МТ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Шахсий масала». Телефильм.
19.00 «Совет классик куйлари саҳифалари».
19.30 Реклама.
19.45 Тошкент янгиликлари.
20.05 «Чақмоқ сари бораман». Бадиий фильм. 1-серия (рус.).
21.30 МТ II

ЖУМА, 17. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Моҳир қўллар».
10.10 «Қаерда эдинг, Одиссей?» Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
11.30 «Қувонч — бу қўшиқ». Фильм-концерт.
12.20 «Козари». Ҳужжатли фильм премьераси.
12.35 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Совет кишиси учун». Ҳужжатли фильмлар: «Ижроком қарор қабул қилди», «Петро—Петербой».
15.50 «Рус тили».
16.30 «Хо Ши Мин: чашма ҳақида хотира». Телефильм.
17.20 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Аслида ўзи йўқ шаҳардаги саргузашт».
19.05 «Фавқулодда автобус». Алкоголизмнинг зарари ҳақида илмий-оммабоп фильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Кел, алмашайлик». Мультфильм премьераси.
19.40 «Шу куннинг почтаси». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов олиб боради.
20.15 «Қаерда эдинг, Одиссей?» Телевизион бадиий фильм. 3-серия.
21.30 «Время».
22.05 СССР халқ артисти Н. Сличенконинг ижодий кечаси.
23.25 «Дунё воқеалари».
23.40 Тинчлик велопойгаси. ПХРдан олиб кўрсатилади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Биз—челябинскликмиз». Ҳужжатли фильм премьераси.
9.35, 10.35 География. 8-синф. Ўрта Осиё иқтисодий районлари.
10.05, 13.40 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 «Табиатшунослик» кўрсатувининг почтаси.
11.35, 12.35 Музика. 1-синф. Симфоник оркестр чолғулари. 1-кўрсатув.
11.55 М. Ю. Лермонтов лирикаси.
12.40 Музика. 6-синф. С. Прокофьевнинг «Золушка» балети.
13.00 Тарих саҳифалари. «Учқундан аланга олади».
14.15 «Онамларнинг мактаби».
15.15 «Салом, болалар». Кўрсатувни психология фанлари доктори Ш. А. Амонашвили олиб боради.
15.45 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 Ўқитувчига — музика сабоғи. 7-синф. 2-кўрсатув.
19.45 Ритмик гимнастика.
20.15 «Пьер Пуйяд» денгизга отланди». Илмий-оммабоп фильм премьераси.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Шахмат мактаби». Разрядлилар синфи.
21.15 «Альфа-Альфа». Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 «Автобус ҳайдовчиси». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Ленинская кузница»лик кемасозлар». Телефильм.
10.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим» (такрорий).
11.30 География. Ер шарининг аҳолиси.
12.00 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш (такрорий).
12.20 «Тарханлар». Телефильм.
12.30 Биология. Одамнинг келиб чиқиши.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Дўстларимиз планетаси» (рус.).
18.50 А. П. Чехов. «Илтимос» (такрорий).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Автомобилда саёҳат». Ҳужжатли фильм.
20.00 «Дунё воқеалари».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Мақом кечаси». Кўрсатувни ЎзССР халқ артисти О. Алимаҳсумов олиб боради.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бригада пудратига — кенг йўл».
22.30 «Совет киноси усталари». СССР халқ артисти О. Хўжаев.
23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—15.45 МТ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма.
19.30 Ўқитувчилар учун консультация. Музика дарсларида ўқувчиларни меҳнат таълимига ўргатиш.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Чақмоқ сари бораман». Бадиий фильм. 2-серия (рус.).
21.30 МТ II

ШАНБА, 18. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Муздаги иншо». Илмий-оммабоп фильм премьераси.
9.55 «АБВГДейка».
10.25 «Қаерда эдинг, Одиссей?» Телевизион бадиий фильм. 3-серия.
11.35 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
12.05 «Сиз бунга қодирсиз».
12.50 Халқаро музейлар куни.
13.30 «Ҳаммаси йўлдан бошланади». Телефильм премьераси.
14.20 «Монологлар». Фильм-концерт премьераси. А. Брициннинг О. Берггольц шеърларига ёзган қўшиқ-балладаларини РСФСРда хизмат кўрсатган артист М. Пахоменко ижро этади.
14.40 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
15.10 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион программаларининг VI Халқаро фестивали. «Сантур» (Ҳиндистон).
15.35 «Дунё воқеалари».
15.50 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
16.50 Сиёсий шарҳловчи Г. В. Пряхин суҳбати.
17.20 «Найда». Мультфильм премьераси.
17.35 «Никарагуа: ғалабага қатъият». Телефильм. Автор — сиёсий шарҳловчи И. Фесуненконинг кириш сўзи билан бошланади.
18.40 «Цирк майдонида».
19.15 «Ўсимликлар олами».
20.00 Халқ куйлари.
20.15 «Капитан Фракасс». Телевизион бадиий фильм премьераси. Т. Готьенинг романи мотивлари асосида. 1-серия.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак»—«Торпедо» (Москва). 2-тайм.
22.45 С. Алешин. «Ўшанда, Севиляда». Телеспектакль.
00.10 Тинчлик велопойгаси. ПХРдан олиб кўрсатилади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви.
10.00 «Музей портрети». Телефильм.
10.25 Ленин комсомоли мукофотининг лауреати «Калинка» халқ чолғулари оркестри чалади.
10.55 ТОМСК ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
12.10 «Ягона сафда». Останкино концерт студиясида музикали кўрсатув.
13.40 «Саёҳатчилар клуби».
14.40 «Стадион ҳамма учун».
15.15 Болалар учун фильм. «Эшикни очинг, биров келди».
16.30 «Москванинг катта соврини». Стендга ўқ отиш бўйича халқаро мусобақалар.
16.45 «Калевала». Петрозаводск шаҳридаги фин Давлат драма театри фильм-спектаклининг премьераси.
18.30 «Дўстларимиз чеҳраси».
19.20 Мультконцерт.
19.50 «Тинчлик. Меҳнат. Май». Шеърий композиция.
20.20 «Эринчоқлар учун спорт». Илмий-оммабоп фильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро обзор».
21.00 Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Ю. Рябчинская хотираси учун халқаро мусобақалар.
21.30 «Время».
22.00 «Кутамиз, қайтиб кел». Телевизион бадиий фильм.
23.20 Г. Попов. 3-симфония.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Дўстлик тароналари». Концерт.
11.25 «Агар соғлом бўлай десанг». Физкультурачиларга маслаҳатлар (рус.).
11.55 «Ҳужжатли кино экрани».
12.40 «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак».
13.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор».

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Олтин элак». Мультфильм.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Мўъжизалар оламига саёҳат» (рус.).
18.55 «Фан уфқлари».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Киносаёҳатчилар альманахи».
20.00 «ЎзССР Давлат санъат музейи заллари бўйлаб».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Сув полоси». Манзарали фильм,
21.00 «Хива вақти билан роппа-роса соат еттида». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»).
21.30 Москва. «Время».
22.00 Ўзбекистон Ижодий союзларининг Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган қўшма пленуми. Тошкент Кино уйидан трансляция пайтида ёзиб олинган.
Кўрсатув тугагач—Кўрсатувлар программаси.

●

9.00—16.45 МТ II
18.05 — 21.30 ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

ЯКШАНБА, 19. V

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ БУТУНИТТИФОҚ ПИОНЕР ТАШКИЛОТИ ТУҒИЛГАН КУН

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Салют, Пионерия!» Концерт.
10.25 «Спортлото»нинг 20-тиражи.
10.35 «Будильник».
11.05 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
12.05 «Здоровье».
12.50 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви.
13.20 «Қишлоқ янгиликлари».
14.20 «Музикали киоск».
14.50 К. Симонов. «Худди шундай бўлади». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли.
17.25 «Саёҳатчилар клуби».
18.25 Мультфильмлар премьераси: «Сеҳрли белкурак», «Офтобжон учун ёстиқча».
18.45 «Халқаро панорама».
19.35 «Одамлар қалбига кира бориб». СССР халқ рассоми А. М. Шилов ҳақида ҳужжатли фильм премьераси.
20.25 «Капитан Фракасс». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «1985 йил қўшиқлари».
23.50 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!»
9.15 «Қувноқ нотачалар».
9.30 Ритмик гимнастика.
10.00 «Рус тили».
10.30 «Латвия — менинг уйим». Телефильм премьераси.
11.00 Тожикистон телевидениеси ва радиоси халқ чолғу оркестрининг концерти.
11.40 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Аслида ўзи йўқ шаҳардаги саргузашт».
13.25 «Ҳужжатли экран».
14.30 В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионер ташкилоти туғилган кунга. «Олға, жипс отрядлар». Телефильм. «Тантанали ваъда бераман...» туркумидан.
15.30 «Машҳур совет композиторлари — Ленин мукофотининг лауреатлари». В. П. Соловьев-Седой.
16.15 «Қирғоқлар». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
17.25 «Замондошларимиз музикалари».
18.30 Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Ю. Рябчинская хотираси учун халқаро мусобақалар.
19.10 XVIII аср рус архитектори, сайёҳи ва маърифатпарвари Ф. Каржавин ҳақида илмий-оммабоп фильм премьераси.
19.30 «Дунё ва ёшлар».
20.05 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион программаларининг VI Халқаро фестивали. «Сантур» (Ҳиндистон).
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Москванинг катта соврини». Стендга ўқ отиш бўйича халқаро мусобақалар.
21.10 «Имконият доирасида». Илмий-оммабоп фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Бу воқеа Пеньковда бўлган эди». Бадиий фильм.
23.40 «Спорт лаҳзаси». Телефильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Мен — пионерман». Телефильм.
10.40 «Тоғлар чорлайди». Бадиий фильм.
12.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Китоб — бизнинг дўстимиз».
12.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иқбол». Қизлар конкурс. программаси.
14.20 «Ўзбекистон спорти».
14.50 «Кинoредакция почтасидан».
15.30 Реклама.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Ғаройиб дўст». Мультфильм.
18.20 «Байрамингиз билан, пионерлар!» Концерт.
19.00 «Туристик маршрутлар бўйлаб» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Цирк! Цирк! Цирк!»
20.30 «Ахборот».
20.50 «Рақслар гулдастаси». Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Қароқчи чоллар». Кинокомедия.
23.30 Кўрсатувлар программаси.

●

9.00—16.15 МТ II
16.30 — 21.30 ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги

П. Ф. БОРОВСКИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ШАҲАР МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

23 май, 13, 27 июнь соат 12.00 дан 17.00 гача

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ ЎТКАЗИЛАДИ

МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИГА ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ҚИЗЛАР ҲАМДА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ (8-10 синфлар) ВА ОТА-ОНАЛАРИ ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ.

Ўқувчилар билим юрти тарихи, кабинет ва лаборатория ишлари, бўлажак — медицина ҳамшираси ва акушеркалик касби билан танишадилар.

Мурожаат учун адрес: 700015, Тошкент шаҳри, 15-алоқа бўлими, Ремесленная кўчаси, 8-уй (1, 2, 3, 4, 5, 12, 15, 28-трамвайларнинг «Санъат музейи» ёки «Куйбишев» кўчаси, 1, 5, 8, 10, 17-троллейбусларнинг «Тошсовет касалхонаси» бекатлари).

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 14/V да **Мангулик**, 15/V да **Севги тумори**, 16/V да **Оловли фаришта**.

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 15/V **дан бошлаб СССР халқ артисти В. Оскал-Оол раҳбарлигида совет цирки усталарининг томошалари** (19.30).

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

13 МАЙДАН 16 МАЙГАЧА

«ЯГОНА ОҲАНГДА»

ЭСТРАДА ПРОГРАММАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Автор-ижрочи **ВЛАДИМИР КУЗЬМИН «ДИНАМИК» АНСАМБЛИ билан,**

ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИ— **республикада хизмат кўрсатган артист ТАТЬЯНА ЕГОШИНА, АНАЛИЙ БАРКОВ, ВЛАДИМИР КЛИМАШЕНКО, АЛЕКСЕЙ РОМАНОВ, ВАСИЛИЙ ПОМЕЛЬНИКОВ, ЛАРИСА ШАЛАЕВА, АЛЕКСАНДР САФРОНЕНКО, МАРИНА ВА НАДЕЖДА РОДИМОВАЛАР, ИЛЬЯ ВА ТАМАРА ФАЛК, ВЕРА ВА ЭДУАРД ПАН.**

Конферансье — **АЛЬБЕРТ ПИСАРЕНКОВ.**

Бадиий раҳбар — **ОВАНЕС МЕЛИК-ПАШАЕВ.**

ТОМОШАЛАР 13, 14, 15 майда 17 ва 20.00 да БОШЛАНАДИ.

Билетлар «ЮБИЛЕЙ» марказий спорт зали кассаларида соат 11.00 дан 20.00 гача; «ЎЗБЕККОНЦЕРТ» кассаларида — соат 14 дан 19.00 гача сотилади.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

кино

13, 14 МАЙДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ДАЛА ҚЎРИҚЧИСИ» — **Чайка** (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00).

«СОЯГА ТУРМУШГА ЧИҚДИМ» — **Ватан** (тоқ соатларда); **Фестиваль** (21.30); **Тошсовет 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда); **Москва** (тоқ соатларда); **Восток** (жуфт соатларда).

«ҚАДРДОН УМРАО» — **Нукус** (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00); **Собир Раҳимов номли** (11.00, 13.30, 16.00 18.30, 21.00, телефон 48-46-71).

«ИЗМА-ИЗ БОРУВЧИ» — **Хива** (21.30).

«ТАҚДИР ҲОКИМИ» — **Қозоғистон** (11.00, 12.00, 14.00, 15.00, 17.00, 18.00, 20.00, 21.00, телефон 35-24-92); **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда).

«АФРИКАЛИК» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда).

«ТУТСИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«МЕНИНГ НОМЗОДИМ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«СПОРТЛОТО-82» — **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда, телефон 24-22-66).

«ПРОХИНДИАДА, ЁКИ ТУРГАН ЖОЙИДА ЮГУРИШ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда).

15 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ДАЛА ҚЎРИҚЧИСИ» — **Чайка** (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00).

«СОЯГА ТУРМУШГА ЧИҚДИМ» — **Ватан** (тоқ соатларда); **Фестиваль** (21.30); **Тошсовет 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда); **Москва** (тоқ соатларда); **Восток** (жуфт соатларда).

«ҚАДРДОН УМРАО» — **Нукус** (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00); **Собир Раҳимов номли** (11.00, 13.30, 16.00 18.30, 21.00, телефон 48-46-71).

«ИЗМА-ИЗ БОРУВЧИ» — **Хива** (21.30).

«ТАҚДИР ҲОКИМИ» — **Қозоғистон** (11.00, 12.00, 14.00, 15.00, 17.00, 18.00, 20.00, 21.00, телефон 35-24-92); **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда).

«АФРИКАЛИК» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда).

«ТУТСИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«МЕНИНГ НОМЗОДИМ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«СПОРТЛОТО-82» — **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда, телефон 24-22-66).

«ПРОХИНДИАДА, ЁКИ ТУРГАН ЖОЙИДА ЮГУРИШ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда).

Чилонзор районидаги А. Николаев номли 173-ўрта мактаб томонидан **Рихсиев Фахриддин Зайнидднинович** номига берилган 297417 номерли йўқолган

8-СИНФНИ ТУГАТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети аппарати шаҳар партия комитетининг масъул ходими Г. К. Пугановскаяга онаси

Аграфена Ивановна ОВЧАРЕКнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02: бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ Орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Индекс 64690. **1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.**

Р—09239.